

Мамажонова Ҳушрўй, Мелибоева Шоҳиста

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР

ЭСТЕТИК ҲИС-ТУЙҒУ

ТАРБИЯСИ

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ 2019

**КБК:80.14(Ўзб)
М-10
УЎК:324.(18+24)**

ISBN 978-9943-563-50-6

МамажоноваХ,МелибоевШ.

Мактабгача ёшдаги болалар эстетик хис-туйгу тарбияси/ ўқув-услубий қулланма/-Тошкент:”NAVROZ”,2019.-566.

Ушбу услугбий қўлланмада мактабгача ёшдаги тарбияланувчилар эстетик хистуйғуларини шакллантириш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатувчи йўл ва усувлар,турли иш шакллари, уларнинг мазмуни ҳамда ўтказиш тартиби баён этилган. Услубий қўлланмада ўз ифодасини топган барчаиштурлариўзининг мазмуни, характеристига кўра асосан мактабгача таълимийўналишталабалари,тарбиячи ва ота оналар учун мўлжалланган. Мазкуруслубийқўлланма Қўон давлат педагогика институти илмий-услубий Кенгашининг 2019йилмайойидаги йигилишида ўрганиб чиқилган ва чоп этишгатавсияетилган.

Тақризчилар: М.М.Умарова–Мактабгача таълим кафедраси кафедраси мудири,пфн,доцент

Б.Олимов –БТ ва МТфакультети декани,пфн,доцент

Мазкур услугбий қулланма Қўон давлат педагогика институти илмий услугбий Кенгашининг 2019 йил 24-апрелдаги 9-сонли йигилишида чоп этишгатавсияетилган

ISBN978-9943-563-50-6

**“NAVRO’Z” НАШРИЁТИ,2019
МамажоноваХ,МелибоевШ.**

МУНДАРИЖА

Кириш, Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрни.

Эстетик хис – туйғу тарбиясининг психологик ва фалсафий жихатлари.

Шеърий мисоллар.

Байрам ценарийси.

Хулоса ва тавсиялар.

Эстетик лугат.

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва хуқук-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон хуқук ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний баг рикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз қўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чукур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиши ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниши ва уларнинг ҳаётга оғ ишмай амалга оширилиши ўз навбатида замонавий таълим бериш ва ёшларни баркамол этиб тарбиялаш ишини янада ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиганлигини исботидир.

Жамиятимизнинг маънавий янгиланиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат қуриш баркамол авлод тарбияси, хусусан, ижтимоий тарбиянинг узвий қисми – эстетик тарбияни замонавий асосда ташкил этиш ва олиб борилиши билан bog лиқдир.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва сог лиг ини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арzon уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларнинг белгилаб қўйилиши ўз навбатида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштиришни ақозо этади.

Халқимизнинг бой маънавий мероси умуминсоний қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиянинг янги ютуқлари асосида ҳар томонлама етук, эркин, мустақил фикрлайдиган юксак маънавиятли, баркамол шахсни тарбиялаш республикамиз тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. «Илк қадам» Мактабгача таълим муасияяянинг Давлат ўқув дастурида белгиланган *МТМнинг мақсад ва вазифалари қўйидағилардан иборат*:

- боланинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига оид *Давлат талаблари асосида ҳамда* *Давлат ўқув дастурига мувофиқ унинг ҳар томонлама ва баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш*;
- мактабгача ёшдаги болаларнин гўқув-тарбиявий фаолиятини ташкил қилиши ва амалга ошириш;
- болаларнинг илк ривожланиши масалаларида ота-оналар ва жамиятга тегишили билимлар беришни ташкил этиши ва амалга ошириш;
- болаларнинг илк ривожланиши масалаларида оила ва жамият билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиши ва амалга ошириш.

Маълумки, эстетик тарбия тарбияланувчиларда эстетик ҳис –туйғусини шакллантиришдан бошланади. Гарчи мазкур муаммо бўйича бир мунча ишлар тадқиқ қилинган бўлсада уларга асосий эътибор умумий ҳолда ёшларни эстетик руҳда тарбиялаш масаласига қаратилган. Мазкур тадқикот ишида методологик нуктаи назардан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик тарбиянинг асоси эстетик ҳис-туйғ уларни шакллантирига тизимли ёндашувни ёритишдан иборат.

Бу муаммо ҳали тўлиқ тадқиқ этилган деб бўлмайди. “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик ҳис–туйғ уларни шакллантириш узвийлиги” ўқув–услубий қўлланманинг мазмунидир.

Тарбияланувчиларда эстетик ҳис–туйғуларни шакллантириш тизимини тадқиқ қилинишининг асосий мақсади уни такомиллаштириш ва ёш авлод таълим – тарбиясида ўрнили фойдаланишдир. Зоро, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик ҳис–туйғ у тарбиясининг педагогик жихатларини тадқиқ қилиш баробарида психологик, илмий – фалсафий томонлари ҳақида тўхталиш ўқув – услубий қўлланма моҳияти, унинг долзарблиги ва амалий аҳамияти ҳамда ёш авлод тарбиясида қўллашнинг йўл ва усулларини афзал жихатларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Ҳамда ёш ва бўлажак тарбиячи ва тарбиячиларни эстетик ҳис–туйғу тарбиясига тайёрлаш борасидаги йўл – йўриқлар ҳам ушбу қўлланмада ўз ифодасини топган. Мазкур қўлланмани давр талаблари асосида келгуси ишларимизда янада бойитиб бориш истиқболдаги мақсадларимиз мазмунини ташкил этади.

Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрни.

Тарбиячи ёш авлодимизни халқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб

тайёрлашдек муҳим, фаҳрли иш билан бирга масъулиятли вазифани бажаради. Тарбиячининг сиёсий етуклиги болаларни тарбиялаш сифати учун ҳалқ ҳамда жамият олдиғаги ўз масъулиятини англашга, таълим-тарбия вазифаларини ижодий ёндашишга, ўз маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш ва ишдаги ўртоқларини ўсишига ёрдам беради.

Демак, тарбиячи аввало, билимли бўлиши, ўзи яшаб турган улкан ҳаётини билиши, табиат ва жамиятнинг қонуниятларини тушуниши, ижтимой фаол бўлиши, умумий ва мактабгача тарбия педагогикасини, болалар руҳияти ва физиологиясини эгаллаши ва болаларнинг ёш хусусиятларини билиши керак. Шунингдек, педагогик тарбиячининг ҳодисаларни таҳлил қилишга илмий нуқтаи назардан ёндашуви болани ҳар томонлама ривожлантириш муваффақиятини амалга оширишга имкон беради. Мустақиллик муносабати билан республикамиз раҳбарияти тарбиячиларнинг фаолиятини юқори баҳоламоқда. Ёш авлодни комил инсон қилиб, камолот сари етаклашдаги эришган ютуқлари учун ва тарбиячилар, методист, катта, методист тарбиячи ва бошқа шунга ўхшаш унвонлар билан тақдирланадилар. Уларга республика миқёсидаги унвонлар берилади. Ҳалқ таълими ходимлари орасидан республика, вилоят, туман кенгашларига депутатлар сайланиш, уларга бўлган чуқур хурмат ва эҳтиромни билдиради. Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бугунги кунда bog чада, ўрта мактаб ҳамда олий ўқув юртларида шаклланаётган авлод ижобий хулқ-автор меъёрлари ва қоидаларини, илмий билим асосларини, касб-ҳунар малака ва қўнималарини ҳар томонлама пухта эгаллаб боришини талаб қиласди. Бунинг учун ўсиб келаётган ёш авлодни билимлар билан қуроллантириш миллий қадриятларимиз, маънавиятимизни тиклаш жаҳон маданияти, миллий маданиятимиз дурдоналари билан таништириш, уларни жисмоний сог лом маънавий етук қилиб тарбиялашдек вазифалар қўйилди. Давлат аҳамиятига молик бундай вазифани амалга оширишда умумтаълим мактаблари билан бир қаторда узлуксиз таълим мининг муҳим бўг ини бўлган мактабгача таълим алоҳида роль ўйнайди. Бунинг учун ҳар бир тарбиячи ўзини талаб ва назорат қила билиши давлатимиз мактабгача тарбия муассасалари олдига қўйган талабларни амалга оширишнинг гаровидир.

Бунга қўйидагилар киради:

1. Боланинг соғлигини сақлаш ва мустақамлаш.
2. Ақлий қобилиятини ўстириш.
3. Миллий қадриятимиз ва маънавиятимизнин ғоявий-ақлий тамойилларига мос келувчи эътиқод ва қарашларини таркиб топтириш.
4. Она ватанга муҳаббатини, ижтимоий фаолликни шакллантириш.
5. Ёш авлодда ўртоқлик, дўстлик ҳиссини ҳалоллик ва меҳнатсеварликни таркиб топтириш.

Демак, юқорида келтирилган сифатларни таркиб топтириш ўсиб

келаётган ёш авлодни тарбиялаш вазифасининг ҳамма томонларини қамраб ололмайди. Лекин тарбиячи ишларга асосланиб, болаларни мустақил ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш ишини маълум бир мақсад билан самаралироқ амалга ошириш мумкин. Мустақиллик муносабати билан ва тарбиячиларнинг маънавий ўсишларига ва моддий аҳамият берилмоқда.

Бола шахсини шакллантиришда тарбиячи алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ҳар бир боланинг шахс сифатида шаклланишида жавобгар эканлигини тақозо этади. Шунга кўра тарбиячи болаларга кундалик ҳаётда, ўйинларда, машғулотларда, биргаликдаги меҳнат фаолиятида, улар билан бўладиган муомалада, мулоқотда ибрат, намуна бўлиши болани ҳар томонлама диққат билан ўрганиши, унинг шахсий хусусиятларини, қобилияtlарини билиши, педагогик назокатини намоён қилиши, болаларнинг хулқ-автори иш натижаларини ҳаққоний баҳолаши ва уларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олиши ҳамда оиласий аҳволи билан қизиқиши зарур ҳисобланади.

Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган тарбиячи мураббийларнинг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир. Болани тарбиялаш ниҳоятда қийин ва мураккаб жараён бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилгандир. Хусусан, қадимги Греция ва Рим тарихидан яхши биламизки, милоддан аввалги даврларда ҳам ёш авлод тарбияси ўзининг маънавий қиёфаси ва ақлий қобилияти билан жамият аъзолари ўртасида юксак ҳурмат эҳтиромга сазовор бўлган кишилар, яъни донишмандлар зиммасига ишониб топширилгандир. Ушбу ҳолат ёш авлод тарбияси унинг ташкил этилиши мазмунини фақат шахс камолотини эмас, балки жамият тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам тарбиячи-мураббий кадрларни маънавий қиёфаси, ақли салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда.

Юқоридаги қайд этилган фикрлардан бугунги кун тарбиячиси шахсига нисбатан қўйилаётган талабларнинг нақадар муҳимлигини англаш лозим. Демак, тарбиячи-маҳсус педагогик, психологик ва мутахассислиги бўйича етук билимли ва юксак фазилатли шахс саналади. Шунинг учун замонавий тарбиячи мураббий қиёфасида қуйидаги фазилатларни намоён эта олиши керак. Замонавий мураббий ўзини мутахассислиги бўйича чукур пухта билимга эга бўлиш, ўз устида тинимсиз ишлаши керак. Тарбиячи мактабгача тарбия педагогикаси ва психология, физиология фанларининг асосларини билиш, таълим-тарбия жараёнида самарали шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак. Тарбиячи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи коммуникативлик лаёқатига эга бўлиш, педагогик техника, нутқ, юз, қўл, оёқ

ва гавда ҳаракатлари, мимика, жест, пантомимика) қонуниятларини чукур ўзлаштириб олиш лозим. Тарбиячи болаларни кўзата оладиган, уларни хулқи,хатти-ҳаракати сабабларини тўг ри таҳлил қилиб, унга таъсир этувчи воситаларни қўллай оладиган бўлиши керак. Мактабгача таълимни риожлантириш учун 02.10.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўг рисида”ги қарори қабул қилинди.

Эстетик ҳис-туйғу тарбиясининг психологик ва фалсафий жиҳатлари.

*“**Эстетика**” атамасини биринчи бўлиб буюк оломон олими Александр Баумгартен (1714-1762) томонидан киритилган илмий тушунчадир. Манбааларда таъкидланишича инсон маънавий оламининг муҳим соҳаси ҳис –туйғудир. Баумгартеннинг таърифига кўра “ҳис қилиш”, “сезиш”, “ҳис этиладиган” маъносини англатувчи – “дистхетикос” сўзидан “эстетика” сўзи келиб чиқан ва бу сўз “тўзалликни ҳис қилиш” маъносини англатади. Эстетика ҳозирда нафақат санъатдаги, балки инсондаги, табиат ва жамиятдаги гўзалликни англаш, ҳис қилиш заруратини ўзида ифодалайди. Эстетика сўзинин гўзбек тилидаги экиваленти бу нафосатлилик бўлиб, - гўзал, нозик, латиф, ёқимли бадиий жиҳатдан юксак маънодаги сўз, тушунчадир. Шунинг учун ҳам эстетик тарбиянинг асосий тушунчаларидан бири гўзаллик категориясидир. Юқоридагилардан кўриниб турибдики инсоннинг санъат, воқелик, жамият ва табиатдаги гўзалликларни ҳис этиши унинг ҳис –туйғулари барқарорлигини талаб этади. Бу борада тўлиқ тушунча хосил қилишда ҳис –туйғулар ва шахс ривожланишида, хусусан эстетик ҳис –туйғуларнинг мазмун моҳиятини очиб бериш ўринлидир. Ҳис –туйғулар – кишинин гўз ҳаётида нималар юз бераётганига, нималарни билиб олаётганига ёки нима билан машг ул бўлаётганига нисбатан ўзича турли хил шаклда билдирадиган ички муносабатdir.

Ҳис –туйғулар бирон – бир нарсани идрок этиш ва тушуниб этиш у ҳақида билиб олиш, идрок этилаётган, тушуниб олинаётган маълум ёки номаълум нарсаларга нисбатан шахсий муносабат билан биргаликда рўй беради. Ўз навбатида шахснинг мажхуллик жараёнинга ўз муносабати унинг ҳис –туйғуларининг мазмунини ташкил этади. Бу эса шахснинг индвидуал хусусиятларини ҳам ифодалашга хизмат қиласи. Ҳис –туйғуларнинг мазмунан бойлиги, тўг ри йўналтирилиши унинг барқарорлиги ва узоқ давомийлигини белгиловчи муҳим омилдир. Умумий маънода инсон ҳис –туйғулар турлари ҳозирда маънавий, интеллектуал ва эстетик ҳис –туйғуларга бўлинади. А. Баумгартенга қадар фаолият кўрсатган яна бир оломон файласуфи Лайбниц (1646 -1716) ўз таълимотида инсон маънавий оламини унга ақл – идрок, яъни мантиқ, иродада – ихтиёр, бунда этика, ҳис-

туйғу – эстетикага бўлади. Психолог олимлар ҳам инсон ҳис – туйғулари маънавий – ахлоқий ҳис – туйғулар, интеллектуал (ақлий) ҳис – туйғулар, эстетик (нафосат) ҳис – туйғуларларига бўлишади. Маънавий ҳис – туйғулар ўз моҳиятига кўра кишининг жамиятга муносабати, яъни жамият аъзоларига муносабатини англатади. Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, гоявий мухит эзгулик, инсонпарварлик асосида соғлом мухит бўлиши ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятининг юксак бўлиши негизидир. Инсоният дунёга келиб табиат ва жамият билан муносабатга киришади.

Муносабатларда онглиликтининг юзага келишини юксак даражадаги ҳолат деб қараш мақсадга мувофиқдир. Инсоннинг яхши таълим – тарбия олиши, унинг саломатлиги, соғлом турмуш тарзи учун ҳаракати баробарида шу ҳаётда – жамиятда ички – руҳий эҳтиёжни таъминловчи куч бу ҳиссий маънавий мунсабатдир. Шунинг учун маънавий ҳис – туйғулар моҳияти жамият тараққиёти, ундаги мувжуд ахлоқий – ҳуқуқий меъёрлар мазмуни билан чамбарчас bog лиқдир.

Кишидаги ҳис – туйғулар бир – бутун, яъни яхлит ҳолда намоён бўлиши аввало уларни вазиятли бир – бирини тўлдириб туриши билан ҳарактерлидир. Жамият аъзоларининг маънавий баркамол бўлиши ўз навбатида интеллектуал шахснинг салоҳиятга эга бўлиши ва билим ва билимлиликка муносабати шаклланишини тақозо этади. Интеллектуал ҳис – туйғуларнинг моҳияти шуки кишидаги ақлий фаолиятини бошқариб борувчи кучга айланиши билан ҳарактерлидир. Билиш билан bog лиқ бўлган ютуқ ва камчиликларга бўлган муносабат интеллектуал, яъни ақлий ҳис – туйғуларни ифодалайди.

“Биз ўз бошимиздан кечиришимиз мумкин бўлган энг ажойиб ва энг кучли ҳиссиёт сир – асрорларни ҳис этишдан иборат. Ҳар қандай ҳақиқий билимнинг манбаи анашунда мужассамлашгандир” – деб ёзди А. Эйнштейн.

Интеллектуал кечинмалар ҳис-туйғубилиш жараёнида алоҳида ўрин тутади ва таълим жараёнида интеллектуалтуйғуларни шакллантириш тарбиячи олдидаги билиш вазифаларини ҳал этишнинг муҳим жиҳатидир.

Фикримиз асоси, биз илгари сураётган муаммо ечими яна бир ҳис-туйғутури – эстетик ҳис-туйғубўлиб шахс – субъектнинг ҳаётида юз берадиган турли хилдаги нарсаларга ижобий ёки салбий муносабатини ифодалайди. **Эстетик ҳис-туйғу шахснинг воқеликка, табиат ва жамиятдаги ҳаётидаги иштироки, фаолияти жараёнида унинг билими, эҳтиёжи кабилардан келиб чиқувчи муносабати деб қараш тўг ri бўлади. Ташки дунёга эстетик муносабат аввало воқеликни ҳис – қилишдан, англашдан ва унга нисбатан муносабатдан иборатдир.**

Эстетик муносабат мкраккаб жараён сифатида объект ва субъект унсурларини ўз ичига олади. Агар субъект эстетик жараёнга киришмаса объект қанча гўзал бўлмасин унда эстетик ҳис-туйғу бўлмайди ва эстетик шакл касб этмайди. Эстетик ҳис – туйғулар юзага келиш жараёни шахснинг ички ҳис – туйғуларига, кайфиятига, кузатишига, фикрлашига, қобилиятига, истеъдодига, ҳам туғма, ҳам таълим-тарбия, тажриба воситасида вужудга

келган қарашларига боғлиқдир. Эстетик ҳис –түйғулар воқеликни тушуниш, англаш ва қадрлаш орақли тұғ ри муносабат пайдо бўлади. Ким учундир қадр –қийматга эга бўлган нарса кимгadir тирикчилик манбаи саналади. Шунинг учун эстетик ҳис –түйғулар тўғри эстетик муносабат маҳсали сифатида шахснинг фаолияти, онги, диққат – эътибори, мушоҳадаси, тасаввури, қобилияти, интелектуал тажрибаси муҳим ўрин туради. Эстетик муносабат нафосатни тақозо этса, ўз навбатида нафосат эса гўзалликни англаш, яъни эстетик англашни тақозо этади. Эстетик англаш эстетик онгни шаклланишига bog лиқдир. Эстетик англаш серқирра жараён бўлиб, кишида чукур ижобий руҳий ўзгаришларни вужудга келтиради. Бу ўзгаришлар асосан ҳис – ҳаяжон, эҳтирослар асосида вужудга келади. Эстетик англаш ва эстетик ва эстетик фаолият ибтидоси бу эстетик эҳтиёж бўлиб инсон ҳаётидаги барча эстетик ҳодисалар асосидир. Эстетик ҳиссиёт, эстетик эҳтиёж бир – бири билан bog лиқ, бир – бирини пайдо бўлишига сабаб бўлувчи тушунчалардир. **Эстетик ҳиссиёт – бу эстетик туйғу ёки эстетик ҳис –түйғулар бўлиб, унинг пайдо бўлиши кишидаги эстетик қизиқишига bog лиқдир.** Ўз навбатида эстетик ҳиссиётда эстетик тассавур катта ўрин тутади. Эстетик жараёнга киришишда эстетик тасаввур биринчи таасуротгача бўлган даврни ўз ичига олади. Эстетик ҳис –түйғуллар ичida қувонч ҳисси алоҳида рўй берадигантуйғудир. Қувонч ҳисси ҳайратлантиради, ҳайратланиш эса эстетик муносабатга киришиш бошланишига туртки бўлади. Ҳайрат ҳисси завфни юзага келтиради. Завқ билан воқеликни идрок этиш эстетик фаолиятда иштрок этишни тезлаштиради ва фаоллаштиради. Завқ экивалети лаззат ҳисобланади. Эстетик завқ инсонни тарбиялаш хусусиятига эгадир. Эстетик ҳис –түйғулар пайдо бўлиши ва ривожланиши эстетик мушоҳадага олиб келади. Эстетик мушоҳада қилиш ўзига хос кўриш ва талқин қилишдир. Эстетик қарашлар тизимида эстетик баҳо – қадриятлар омили деб аташ мумкин бўлган тушунча бўлиб эстетик дид, эстетик идеал билан чамбарчас bog лиқдир. Эстетик дид тушунчasi ҳам мураккаб тушунча бўлиб у эстетик баҳо, эстетик ҳис, эстетик идеал ва эстетик қадрият каби тушунчалар билан узвий bog лиқ тушунча сифатида шахснинг воқелик ёки мавжуд обьектга ҳиссик муносабатида муҳим ўрин тутувчи идрок, фахм, фаросат, эҳтирос, ҳис-ҳаяжон каби хусусиятлари асосида инсондаги гўзаллик улуг ворлик, фожиавийлик сингари эстетик хусусиятларни идрок этиш қобилияти тушунилади. Шахсдаги дид эстетик қобилияти омилидир. Юқорида айтиб ўтилган эстетик тушунчаларнинг асоси, айтиш мумкин “регулятори” бу идеал ҳисобланади. Идеал ўзгариши шахсдаги илгари мавжуд бўлган барча эстетик қарашлари эстетик онгини ўзгаришига олиб келади. Шахса эстетик ҳис –түйғулар юзага келиши, уларнинг юксак ҳис туйғуларга айланиши жамиятда ташкил этилган таълим тарбиянинг мазмuni, яратилган шарт – шароит ва юксак мақсадлар сари йўналтирилганлиги билан bog лиқ бўлади. Эстетик тарбия шахс учун ҳам, миллат учун ҳам, жамият учун ҳам катта аҳамиятлидир. Миллий ва умумбашарий эстетик қадриятларни

англашда ҳиссий – интеллектуал ёндашадиган юксак эстетиктүйғу сохибларини шакллантириш мураккаб тарбия жараёнини тақозо этади.

Эстетик тарбия тарихий ривожланиш босқичларининг ҳамма босчиқларида ёш авлод тарбиясининг асосий мазмунини ташкил этган ва олимларнин гүрганиш обьекти сифатида қаралган. Ҳозирда ҳам юксак билимли, интеллектуал салоҳиятли, уйғун ривожланган шахсни тарбиялашда эстетик тарбиянин гүрни бекиёс бўлиб ўз навбатида эстетик тарбиянинг кирралари ҳам кўпдир. Келажакка ишонч ҳамиша илмий изланишлар талаб этади. Давлат ва жамият тараққиётидаги барча ютуқ ва муваффакиятлар замирида шахснинг дунёқараси, тарбияланганлик даражаси хусусан эстетик тарбияланганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Инсон ўз олдига қўйган ва қўяётган мақсад ва орзуларининг қанчалик эзгулиги унинг гўзаллиги ифодасидир. Бу гўзалликни ҳис қилиш кишида яратувчилик, бунёдкорликтүйғуларини юзага келтиради. Бугунги кунда мамлакатимизнинг янада обод ва ҳаётимизнинг фаровон бўлиши жамият аъзоларидан комилликни ва гузалликни ҳис қилиши ва ўз фаолиятида амалий қўллай олишларини талаб этади. Юқорида тақидлаганимиздек эстетик тарбия серқирралиги шахснинг фахми, фаросати ва дидида кўринади, яъни унинг эстетик тарбияси ўз ичига ақлий тарбия, аҳлоқий тарбияни мужассамалаштиради. Улар биргаликда шахснинг эстетик онги шаклланишини талаб этади.

Эстетик онг тузилиши:

- А) эстетик эҳтиёж
- Б) эстетик англаш
- В) эстетик ҳиссиёт
- Г) эстетик дид
- Д) эстетик идеални ўз ичига олади.

Ушбу таркиби қисм ўзаро боғлиқ ва бир – бирини тақозо этувчи, тўдлирувчи – тизимли тушунчалар бўлиб шахс эстетик онгининг шаклланишида эстетик ҳиссиётлар шахснинг эстетик ҳис –туйғулари ифодаси бўлиб ўз ўрнида шахснинг индивидуаллигини англатади. Табиат ва жамиятдаги гўзалликни англаш аввало уни ҳис қилишни тақозо этади ва шахснинг эстетик ривожланишининг асосидир. Зеро ягона педагогик жараён, шахснинг ҳар томонлама, уйғун ривожланиши, камолоти ва жтимоийлашуви омили бўлиб, бизнингча бу борада тарбияга, хусусан, мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларда эстетик ҳис –туйғуларни шакллантириш мазмуни, йўл ва усулларига тизимли ёндошув зарур.

Интеллектуал, маънавий, эстетик уйг ун ривожланган шахс



2. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишларида мактабгача таълим соҳасига ҳам аниқ вазифалар кўратиб берилган.: кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш; педагогларнинг касбий нуфузини ошириш; давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг турларини ривожлантириш; таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш; таълим дастурларини тубдан ўзгартириш; янги типдаги ўкув муассасаларини вужудга келтириш; янги шу жумладан, бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; таълимнинг барча даража ва бўг инларида таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш; таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш; шахсга таълим бериш ва уни тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш; таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш; таълим тизимини молиявий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш; узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш; чет эл ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш; таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш; инсон омилига ва таълимга инвестициялар киритиш кабилар.

Мактабгача таълим боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишига интилиш ҳиссини уйг отади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда амалга оширилади. Бу каби таълим муассасаларининг фаолиятини ташкил этишда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг янги тармог и шаклланиб бормоқда. Бу ўринда «Хонадон bog часи» ҳамда «Болалар bog часи – бошланг ich мактаб» мажмуаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мактабгача таълим муассасаларида Болаларга тасвирий санъат, мусиқа, тил ва компьютер саводхонлигини ўргатувчи гурухлар ташкил этилмоқда.

Мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларда эстетик ҳис –туйғуларни шакллантиришнинг гўзига хос хусусиятлари.

Мактабгача ёши даври ақлий, ахлоқий, маънавий камол топиши учун энг маҳсулдор давр ҳисобланади ва ҳар бир педагог –тарбиячи уни ҳисобга олиши ва ўз фаолиятида чуқур ва кенг ёндошиши зарур. Бог ча тарбияланувчиларининг эстетик ҳис–туйғуларни шакллантиришда тарбия жараёни хусусиятларни билиши ташкил этишининг шакл ва методларини тўғри танлаш ва қўллаш ҳамда тарбия тамойиллари асосида ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш маҳорати тарбиячининг касбий билими, малакасига боғлиқдир. Барча тарбия турлари қатори эстетик тарбия, хусусан боғча тарбияланувчиларининг эстетик ҳис –туйғуларни шакллантириш жараёни

ҳам муаян мақсадни изчил ва тизмили, педагогик жиҳатдан тўг ри ташкил этилган ҳолда шахсни камол топтиришга қаратилган мураккаб жараён бўлиб, бу жараён учун тааллуқли жиҳатлар ва хусусиятлар кенг ва серқиррадир. да Мактабгача талимда ҳам шахс камолоти таълим–тарбия ишининг марказида бўлиб таҳлим шахсга йўналтирилиши назарда тутилади.. Шахс узлуксиз таълим жараёнида дунёвий, илмий билимларни ўзлаштириб, фан асосларини пухта эгаллаб, ишлаб чиқариш соҳалари билан танишиб, шунингдек ижтимоий–гуманитар фанлар асосларини ўрганиш ҳамда изчил узлуксиз равишда ташкил этилувчи тарбиявий тадбирлар асосида инсоний сифатларни ўзлаштириб борар экан, йиллар давомида унда комиллик шаклланиб боради. Шахснинг эстетик ривожланиши сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса президент ва ҳукуматимизнинг мактабгача таълимни ривожлантириш, уни моддий техника баъзасини янада мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Шахснинг ўз–ўзини англаш туйғусига эга бўлишида эстетик ҳис –туйғулар шаклана бориши учун албатта таълим соҳасидаги хизматлардан тўлқаонли ва самарали фойдаланиши эстетик камолот омили ҳамdir. Шунинг учун шахсни эстетик ҳис–туйғуларини ривожлантириш ўзи учун, давлат ва жамият тараққиёти ва равнақи учун муҳим аҳамиятга эгадир. Узлуксиз таълим тизимнинг муҳим дастлабки босқичи бўлган мактабгача таълимда болалар билими, ҳаётий кўникмалари пойдевори яратилади. Шахс ilk бор жамият талабларига рўбарў келади, билим кўникмалари ривожлантирилади ва тарбия асослари сингдирилади. Мактабгача ёшдаги болаларида эстетик ҳис –туйғуларни шакллантириш тизими борсида фикр юритилганда эстетик тарбия мазмуни, унинг хусусиятлари тарбиянинг умумий мақсади ва унинг қонуниятлари ҳамда хусусиятларига мослиги ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Тарбия – шахсни мақсадга мувофиқ тақомиллаштириш учун ўюштириладиган педагогик жараён бўлиб тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини беради.

Эстетик тарбияни олиб бориш жараёнида тарбияланувчиларда эстетик ҳис –туйғу, эстетик дидни тарбиялаш уларнинг ижодий қобилияতларини, эстетик эҳтиёжларини, гўзалликни севиш, гўзалликка интилиш қобилияতларини тараққий эттириш, эстетик маданиятни шакллантириш вазифалари амалга оширилади. Эстетик тарбия жараёнида мактабгача ёшдаги болаларида нинг эстетик онгигина эмас болки унинг эстетик ҳис –туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мос келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш назарда тутилади. Бунинг учун боланинг онгига ҳиссётига ва иродасига таъсир этиб борилади. Эстетик тарбия муаммоларига bog ишланган илмий – тадқиқотлар педагог, психолог олимларимиз томонидан кўп ва чуқур ўрганилган бўлсада олимлар фаолиятини ўрганиш адабиётлар ва манбалар таҳлилий ва тажрибалар шуни кўрсатадики, тарбия ишларига хусусан мактабгача ёшдаги болаларида эстетик ҳис –туйғуларни шакллантиришга тизим сифатида

ёндашув бу бугунги кундаги янгилик ва ишланиш, тадқиқ қилиниши лозим бўлган муаммо сифатида қарап зарурутини кўрсатади. Бизнинча шахс тарбиянинг натижаси сифатида яхлит ижтимоий мавжудотdir. Шахснинг кўпдан – қўп хислатлари бир – биридан ажратилган эмас, ўзаро мустаҳкам bogланган. Бу хусусият эстетик тарбия жараёнiga ҳам тааллуқли бўлиб ўқувчини яхлит ривожланиши хусусиятлариданdir ва ўз навбатида бу хусусият эстетик ҳис –туйғуларни шакллантириш тизимини тақозо этади. Тизим – мураккаб кўринишга эга бўлган, узлуксиз давом этадиган бири инккинчисини тақозо этадиган жараёнdir. Демак мактабгача ёшдаги болаларида эстетик ҳис –туйғуларни шакллантириш тизими моҳиятан тасодифий ёндашув орқали эмас, балки олдиндан белгиланган ва пухта ўйланган режалар орқали руёбга чиқариш кераклигини кўрсатади. Бу эса ўқувчиларда эстетик ҳис –туйғуларни шакллантиришда мақсад аниқлиги ва аниқ мақсадга йўналтирилганлик хусусиятини ифодалайди. Шунингдек яна бир хусусият кўринадики, бу эстетик ҳис-туйғутарбияси узлуксиз ва узоқ муддат давом этишидир. Тарбия натижалари бирданига кўринмайди ва узоқ муддат талаб этади, ҳамда тарбияланувчи узлуксиз тарбиявий таъсир остида бўлишларигини тақозо этади. Секин-асталик билан эстетик ҳис-туйғу тарбияси мураккаблашиб бориши боладан эстетик қарашлари шаклланиб боришида муҳим ўрин тутади.

Мактабгача ёшдаги болаларида эстетик ҳис-туйғуларни шакллантириш самарадорлиги тарбиячидан тарбияланувчи ёш ва психологик шахсий хусусиятларини билишлиликни тақозо этади. Ушбу хусусият ҳақида батафсил тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлиб тадқиқот моҳиятини ёритишдаги муҳим жиҳатлардан бири саналади. Узлуксиз таълим тизимида мактабгача ёш даври ёш авлод таълим – тарбиясидаги масъулияти босқич сифатида қаралади. Психологик адабиётларда ёш даврларига бўлишда Мактабгача тарбия даври. Ушбу ёшдаги боланинг эмоционаллиги (ҳиссий берилувчанлиги) унинг фаоллигига, харакатчанлигига кўринади. Бу ёш даврида болалар ҳаётида ўйин ўзига хос ўрин тутади, ўйинлар асосан катта ёшдаги кишилар ёки болаларнинг ҳарақатларига нисбатан тақлиддан иборат бўлади. Бола ўйиннинг мазмунидан кўра ўйналаётган буюмлар (ўйинчоқ ва кўг ирчоқлар) ҳамда ўзининг ҳарақатлари кўпроқ завқлантиради. Мазкур ёш даврида бола фаолиятида ихтиёrsиз фаоллик билан бир қаторда ихтиёрий дикқат ҳам ўса бошлайди. Бу давр бола «мен» лигининг вужудга келиши билан ҳам характерлидир. У теварак атрофдаги болалар билан ўзини солишитиради, ўзининг улардан устун жиҳатларини ахтара бошлайди. Бундай ҳолатлар унинг «менин гўзим» сўзини кенг қўллашда сезилади. Олти ёшга қадар бола дунёни ижтимоий борлиқни тўлалигича идрок этади. Унинг атрофдагилар билан муносабати доираси кенгайиб боради. Бу эса унинг нутқи ва тафаккурини янада ўстиради. Муносабатлар доирасининг кенгайиб бориши унга тарбиявий таъсир кўрсатиш имкониятини оширади. Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тафаккури–аниқ тафаккур бўлиб, у нималарни идрок этса ёки тасаввур қилса, ўша нарсалар ҳақида фикр юритади. Шу боис

бала учун мавхум воқеа-ҳодисаларга нисбатан қиёслаб тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Атрофдагилар билан муомалада бўлиш асосида болада маънавий қараш шаклланади: эндиликда улар турли ҳаракатларни «яхши», «ёмон» дея баҳолаб борадилар. Бу даврда бала ҳаётида ўйин билан бирга фаолиятнинг бошқа турлари ҳам аҳамиятли бўлиб боради, дастлабки меҳнат кўникмалари ҳосил бўлади: расм чизади, лойдан, қумдан шакллар ясайди, картон ва айрим табиий материаллардан турли буюмлар ясайди. Шунингдек, улар катталар томонидан берилган оддий топшириқларни бажариб борадилар. Уларни кучлари етадиган ишларга жалб қилиш яхши самара беради.

Бу ёшдаги болаларнинг асосий хусусияти бир кризисдан бошқасига астасекин ўтиш билан характерланади. Ота-оналар, одатда, айнан мана шу даврни улар учун энг оғир ва қийин дея таъкидлашади. Болалар қайсар, ўжар ва шу билан бирга, жуда тушкун кайфиятли бўлишади. Уларнинг болани “қайсар уч ёшлилар”, “жажжи қариялар”, “беш ёшли мижғовлар” деб аташган.

Аслида эса ота-оналар бу даврда асосий ва ягона бўлмаган хатога йўл кўйишади. Улар бирданига ўз фарзандларини ҳамма нарсани биладиган, тушунадиган, бажара оладиган катта одамдек қабул қилишади.

Болалар эса ўзлари тўғрисида бундай ўйлашмайди. Улар гоҳо “оий, мен ўзим бажараман, мени бугундан бошлаб ўпманг” ёки “вой, ойижон, мени кечиринг, мен гўдакман, ахир” тарзида бўлишни ёқтиришади. Болаларда эстетик ҳис—туйг уларни шакллантириш самарадорлиги ота оналар билан ҳам ҳамкорликни тақозо этади. Зеро, боланинг жамиятдаги, табиатдаги гўзалликларни узвий ҳис этиши унинг келажакдаги комиллиги кафолатидир. Бу борда мактабгача ёшдаги фарзандлари бор ота-оналарга ўз фарзандларида эстетик ҳис—туйг уларни шакллантирикүйидагиларни эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3–4 ЁШЛИ БОЛАЛАР

Психологияда айтилганидек, кичик мактабгача ёшдаги болалар юқори жадалликдаги жисмоний ва руҳий ривожланиш билан характерланади. 3 ёшдан 4 ёшгacha бўлган болаларнинг катталар ва тенгдошлари билан муносабатларида, характерида ўзига хос хусусият ҳамда фаолият мазмунида ўзгаришлар кузатилади. Ақлий жиҳатдан ҳам жадал ривожланади: бола этalon шакллар, ранг, ҳажм, атрофдаги борлиқнинг мавжудлиги, шунингдек, ўзи тўғрисида ҳам ўйлай бошлайди. Кўргазмали-образли фикрлаш устунлик қиласи. Бу ёш босқичида болалар сўзлардан фаол фойдаланган ҳолда, нутқнинг грамматик қурилишини эгаллашга тушади. Уларнинг сўз бойлиги сезиларли даражада ортиб боради ва ўз нутқларида мураккаб гаплардан фойдаланишни бошлайди.

Бу ёшда ҳаракатчанликка эҳтиёж ортиб, йирик моторика ривожланиши

биринчи ўринга чиқади. Кичик мактабгача ёшдаги болалар асосий ҳаракатларни ўзлаштиришади. Тезлик, куч, координация, эгилувчанлик, чидамлилик каби жисмоний сифатлар шаклдана бошлайди.

Болалар биринчи марта ўз “мен”ини тушуна бошлайди. Жамиятдаги ўз ўрнини, шунингдек, ўзининг у ёки бу жинсга мансублигини англаб боради. Ўз жинсига оид ўйин ва ўйинчоқларга қизиқиши юқори бўлади.

Кичкитойларнинг бу даврида ота-оналарга қуидагиларни тавсия қилиш мумкин:

- Болангиз билан бирга ўйнанг, югуринг, сакранг! Ёки унга бу ишларни қилишга халақит берманг. Чунки қўп ҳаракатланиш болаларга хос!
- Фарзандингизга ўзини парваришлашга ўргатинг – соч тараш, тиш ювиш, чўмилиш ва ҳ.к. Болангиз кўпроқ ўйнаши учун шароит яратиб беринг: ролли ёки жамоавий ўйинлар, конструкторлар – буларнинг барчаси бу ёшдаги бола учун жуда қизиқ.
- 3–4 ёшли болалар жуда қизиқувчан бўлишади. Шунинг учун уларни саволларга жавоб топиш мумкин бўлган bog ва музейларга олиб боринг, китоблар ўқиб беринг.
- Турли ёшдаги, жинсдаги инсонлар билан ҳар хил ҳаётий вазиятларда тез-тез сухбат қилинг.
- Фарзандингизнинг ёлг из ўзи билан кўпроқ вақт ўтказинг. Бу унинг учун ҳам, сиз учун ҳам жуда муҳим!
- Болани партада ўтирган ҳолатда дарс ёки машг улот тарзида олиб бориладиган ўқиши, ривожлантирувчи босимли ўйинлар ва фаолиятнинг ҳар қандай қўринишлари билан шуғулланишга мажбур қилманг.

4–5 ЁШЛИ БОЛАЛАР

Бу боланинг фаол ўсиш ва организмининг ривожланиш даври саналади. Уларнинг ташқи қўриниши сезиларли ўзгариб, катталарга хос бўлган жиҳатлар шаклдана бошлайди. Кичкитойлар бошқа инсонлар билан муомалага киришишнинг турли хил усусларини эгаллайдилар, инсоний муносабатларни яхши тушуна бошлайдилар. Бошқалар билан мулоқот ва хулқ-атвор борасида, аёллар ва эркакларга хос бўлган сифатлар тўғрисида тушунчага эга бўлишади. Ўйин жараёнида болаларда билишга қизиқиши шаклланади, кузатувчанлик ривожланади, асосий ҳаракатлар мукаммаллашади.

Билиш мотиви етакчилик қилиб, бу улар томонидан берилаётган қўплаб саволлар, катталардан янгидан янги маълумотларни олишга бўлган интилишда намоён бўлади. Бу пайтни “Нима-нимачи ёш” деб аташ мумкин. Шу сабаб, бу даврда болага юқори фикрлаш фаоллиги ҳамда қизиқувчанлик хосдир. Бундай ёшда бола ўз она тилидаги деярли ҳамма товушларни талаффуз қила олади. Янги сўз ва ибораларни ўйлаб топиш жараёни давом этади. Улар унча катта бўлмаган эртакларни қайта сўзлаб, ўйинчоқ, сурат, ҳаётдаги баъзи воқеалар тўғрисида ҳикоя қила оладилар. Ота-оналарга

тавсиялар:

- Бола билан ўйнаш, югуриш, сакрашни давом эттиринг. Бу аввалгидай бола ривожланишида жуда муҳим.
- Турли хил ўйинларга қизиқишини ривожлантиринг. Булар мантикий ўйинлар, мураккаб конструкторлар, тўсиқларни йенгиб ўтиш, турли босқичли ва мураккаб стол ўйинлари (масалан, “Монополия”) бўлиши мумкин.
- Болангизга ўзини тутиш қоидаларини ўргатиш вақти келди. Турли ҳаётий вазиятларда нима қилиш мумкин-у, нима қилмаслик кераклигини болага бемалол тушунтирса бўлади.
- Бола интеллектини жадал ривожлантиринг. Мен ҳамиша “7 ёшдан” тавсия қилинадиган китобларни 4–5 ёшдан бемалол олишни маслаҳат бераман. Бу ёшдаги болалар таҳлил қилишга мойил бўлиб, китоб муҳокамасига осонлик билан кириша олади.
- Уйдаги мажбуриятларни бажариш, катталарга ёрдам бериш вақти ҳам келди. Меҳнат нималигини, ота-она ва оиланинг катта ёшли аъзолари нима билан шуг улланиши, нима учун “меҳнат” деб аталишини тушунтириб, унга нисбатан ҳурмат муносабатини уйг отинг.

5–6 ЁШЛИ БОЛАЛАР

Бу ёшда шахсиятнинг интеллектуал, маърифий-иродавий ва ҳиссий жиҳатларида жадал ривожланиш юз беради. 6 ёшли бола ўзини ва ўзгаларни билишга ҳаракат қиласи, хатти-ҳаракат ва ўзаро муносабатлардаги алоқаларни англай бошлайди. Турли хил характердаги муносабатларни тушунади, шахсий хулқ-атвор ёъналишини танлайди. Ўзи тўғрисидаги тасаввурларда ўзгариш юз беради. Шахсиятнинг ривожланиши янги хусусият ва эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Амалий ва ақлий тажриба ўтказиш, умумлаштириш, сабаб-натижа алоқаларини ўрнатиш қобилиятлари шаклланади. Маконда мўлжал олиш қобилияти ўсади (бироқ фасллар ва ҳафта кунларида адашиш кузатилади). Нутқнинг грамматик қурилиши мукаммаллашади. Таъсирчан оҳанг воситаларидан эркин фойдаланади. Бола луғати умумлаштирувчи сўзлар, синонимлар, антонимлар ҳамда кўп маъноли сўзлар билан бойиб боради. Уларнинг қомати шаклланиб, чидамлилик ва жисмоний сифатлари ривожланади. Ёшига мос бўлган гигиеник жараёнларни амалга ошира олади, озодалик малакалари, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурга эга бўлади. Ота-оналарга тавсиялар:

- Биз ҳали ҳам югурамиз, сакраймиз ва фаолликнинг ҳар қандай шаклини илиқ кутиб оламиз. Ўз болалигингизни эсланг. Сиз қандай ўйинларни ўйнар эдингиз? Ҳаракатчан ўйинлар кўп бўлган-а, тўг рими? Шундай экан, уларни фарзандингизга ҳам ўргатинг.
- Болани одоб-ахлоқ қоидалари билан таништиришда давом этамиз. Аммо энди кўпроқ ҳам катталар, ҳам tengdoшлари билан кечадиган мулоқотга эътибор қаратамиз.

- Қизиқувчанлик, турли хил қўринишдаги ижодкорлик, ақлий вазифаларни йечача олиш қобилиятларини янада ривожлантирамиз. Бунда болалар учун кашфиётчилик вазифаларини йешиш назарияси бўйича китобларни тавсия қиласман. Улар кичкитойларга кўп нарса беради!

6–7 ЁШЛИ БОЛАЛАР

Мазкур давр энг мураккаб даврлардан бири саналади. Болакай биринчи марта ўзини онасидан ажратади. Яъни “мен ўзим” ҳақиқий мотиватсияга айланади. Бола ўзини бутунлай мустақил шахс сифатида англайди. Бу тенгдошлари билан кечадиган эркин мулоқот давомида намоён бўлади. Эндиликда болалар ҳамкорликдаги фаолиятда шахсий қарашларини ҳимоя қилиб, ҳаётий вазиятларда ахлоқий танловни амалга ошира оладилар. Жинсидан келиб чиқиб, унга мос бўлган юриш-туриш қоидаларини онгли тарзда бажарадилар. Бундан ташқари, турли жинсдагиларга хос бўлган ҳар хил фаолият турларини эгаллайдилар. Етти ёшли болалар нутқи пассив лексика ҳисобига бойишда давом этади. Бола фикр ва таассуротларини баён этиш, предметларни тасвирлаш, қайта сўзлашда сўзлардан аник фойдаланади. Нутқ мулоқотнинг ҳақиқий воситасига айланади. Бу ёшда болаларда ҳаракатланиш малакаларида аҳамиятли тарзда тез шаклланиш юз беради: юриш ва югуриш мукаммаллашади, бир ва икки оёқлаб сакрашни ўрганиб олишади, турган жойидан узоклика ва баландликка сакрай олишади. Болаларда ўзи ҳамда шахсий жисмоний имкониятлари тўғрисида тасаввурлари кенгаяди.

Ота-оналарга бу борадаги тавсиялар:

- Мактаб таълимига, янги ижтимоий мавқе, яъни ўқувчи бўлишга тайёргарликни шакллантириш. Буни узоқ вақт партада ўтирмасдан, астасекинлик билан ўргатиш муҳим.
- Китобларни “9 ёшдан” тавсия қилинадиганларига алмаштиринг. Ишонинг, замонавий болалар бунга тайёр!
- Болага кунлик режасини тузишни буюринг. Сўнгра ҳафталик режани. Янада қийинроқ вазифа – шундай режани нафақат ўзи учун, балки бутун оила учун (масалан, дам олиш кунларига) тузишни айтинг.

Ота-оналарга бу давр қийин бўлиши билан бирга, ўта қизиқарли ҳамдир. Бола тўлақонли ҳамсуҳбатга айланади ва у билан мулоқот қилиш роҳат бахш этади.

Болаларда эстетик ҳис –туйғуларни шакллантиришда эътибор берилиши лозим бўлган яна бир жиҳатлар борки бу уларнинг фикрлаши образлилигидир. тарбиячи нутқининг ифодалилиги, кўргазмалилик, эътиборлилик, ўқувчи шаъни, ор – номусини ҳурмат қилиш ўқувчиларда эстетик ҳис –туйғуларни ўсишида, ривожланишида асосий омилдир.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилариини эстетик тарбиялаш узлуксизлиги уларнинг ҳаётини педагогик жиҳатдан оқилона ташкил этилишини тақозо этади. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик ҳис –туйғу тарбиясининг яна бир мухим

хусусияти яхлит ва тизимли ташкил этилиши хусусияти бўлиб шахс сифатлари навбатма–навбат эмас, балки яхлит тарзда шакллантириб борилиши, тизимлилик характерида бўлишини ифодалайди. Эстетик тарбия эстетик ривожланишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида эстетик тарбия жараёнини, хусусан эстетик ҳис–туйғу тарбия жараёнини самарали бўлишининг умум педагогик жиҳатлари, омиллари батафсил ёритилиши, ҳамда бу омиллар эстетик ҳис–туйғулар ривожланишининг харакатлантирувчи кучига айланиши лозим.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилариини борликқа, воқеликка эстетик муносабатларини гўзаллик, эзгулик, юксак маънавиятлилик асосида шакллантирилиши эстетик тарбия вазифаларини тўлақонли амалга ошириш билан баг лиқдир. Эстетик тарбия вазифаларининг педагогик жиҳатдан тўг ри қўйилиши тарбиячи фаолияти самарадорлиги омилидир.

Тарбияланувчиларда эстетик ҳистуйғуларни шакллантиришда машг улотлар алоҳида ўрин тутади. Бу эса мактабгача таълим муассасаларидағи машғулотларни ташкил этишга қўйиладиган талаблар билан таниш бўлишиликин тақозо этади.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилариини ҳаётини ташкил этишнинг қуйидаги тамойиллари ишлаб чиқилди:

1. Ҳар бир ёш гурӯхида болаларни жамоатчилик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган бир хил шартшароитлар яратиш.
2. Болаларни ёш гурӯҳларига тақсимлашда ҳар бир гурӯҳга фақат бир хил ёшдаги болаларни танлаш ва шунга қараб эстетик ҳистуйғуларни шакллантириш жараёнини ташкил этиш.
3. Болаларнинг ҳар хил фаолият билан шуг улланишлари ва бир-бирлари билан эстетик мулоқотга кириша олишлари учун зарур бўлган мухитни яратиш.
- Бунинг учун гурӯҳ хонаси ва майдончани гигиеник, педагогик, эстетик талаблар даражасида керакли асбоб-анжомлар билан таъминлаш.
4. Болаларнинг ёшига мос кун тартибига риоя қилиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш.

Эстетик ҳистуйғуларни тарбиялаш масалалари ишининг ташкилий шакллари, болалар фаолиятининг ҳар хил турлари: машг улотларда таълим бериш орқали, ижодий ва қоидали ўйинлар, болаларнинг мустақил фаолияти, уларнин гўз меҳнати ва катталар меҳнати билан таништириш, ўз-ўзига хизмат қилиш, сайрлар, гигиеник тадбирлар орқали амалга оширилади. Эстетик ҳис-туйғуларни тарбиялаш ишларини муваффақиятли амалга ошириш болаларбог часидаги педагогик жараённинг ҳар бир фаолият турини тўғри ташкил этишга боғлиқдир. Болалар боғчасининг педагогик жараённида

таълим муҳим аҳамият касб этади ва кундалик ҳаёт, ўйин, меҳнат, машг улотлар орқали амалга оширилади. Машг улотда эстетик ҳис-туйғуларни тарбиялаш вазифалари ҳал этилади. Болалар теварак-атрофдаги ҳаёт ва табиат билан танишиш, жисмоний маданият, тасвирий фаолият, мусиқа бўйича энг оддий тасаввур ва билимлар эгаллаб борадилар. Болалар эгаллаб олишлари керак бўлган билим, кўникмалар болалар бўг чоҳи дастурида белгилаб берилган бўлиб, у болаларнинг умумий ривожланиши ва уларни мактаб таълимига тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Машг улотларда таълим бериш дидактика тамойиллари асосида болаларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, маълум изчилликда олиб борилади, мазмуни секин-аста мураккаблаштириб борилади.

Натижада, у ривожлантирувчи ва тарбияловчи хусусиятга эга бўлади.

Дастурда ҳар бир ёш гуруҳида ҳафта давомида ўтказиладиган машғулотлар сони ва ҳар бир машг улот қанча давом этиши белгилаб қўйилган. Тарбиячи мана шунга асосланиб, ўзининг ҳафталиқ машғулотлар жадвалини тузади, бу таълимнинг ҳамма бўлимлари бўйича белгиланган таълим-тарбия ишларини, эстетик ҳис-туйғуларни тарбиялаш тўғри амалга оширишга имкон яратади.

Машг улотлар жадвалини тузишда қуидаги талабларга риоя қилиш керак:

1. Дастурнинг ҳамма бўлимлари бўйича машг улотларни ҳафтага тенг тақсимлаш.
2. Ҳафтанинг биринчи ва охирги кунига осонроқ машғулотлар қўйилади.
3. Ҳафтанинг сешанба, чоршанба ва пайшанба кунларида болалардаги ақлий фаолият тезлашади, шунинг учун бу кунларга мураккаброқ ишлар режалаштирилади.
4. Кун давомида биринчи бўлиб болалардан ақлий зўр беришни кўпроқ талаб этадиган, кам ҳаракатли машг улотлар режалаштирилади (эстетик ҳис-туйғуларни тарбиялаш учун теварак-атрофдаги ҳаёт ва табиат билан танишириш). Тасвирий фаолият, жисмоний тарбия, мусиқа ва шунга ўхшаш машғулотлар эстетик ҳис-туйғуларни тарбиялашга асосан режалаштирилади.

5. Кун давомида машг улотлар қуидаги тартибда алмаштириб борилади:

6. Болалар шахсини эстетик ҳис-туйғуларни шакллантирадиган фаолият турларини ташкил этиш ва бу фаолиятлар учун кун тартибидан маълум вақт ажратиш.

Болаларнинг ҳар хил фаолиятларини илмий асосланган тамойиллар асосида алмаштириб бориш болалар боғчининг ҳар хил ёш гуруҳларида болалар ҳаётини тўғри ташкил этишини таъминлайди.

Болаларнинг ҳар томонлама эстетик ҳис-туйғуларни тарбиялаш уларнинг ривожланишини таъминлашга қаратилган педагогик жараён мураккаб ва ранг-барангdir.

Машг улотларни бундай тақсимлаш болаларнинг дастур материалини енгилроқ ўзлаштириб олишига имкон яратади.

Кун давомида бир неча марта: эрталабки қабул вақтида, эрталабки ва

кечки сайдарда болаларнинг мустақил фаолиятлари ташкил этилади. Болалар ўзларига таниш бўлган дидактик ва ҳаракатли ўйинларни ўйнайдилар, ҳоҳлаган расмларини чизадилар, ҳоҳлаган нарсаларини ясайдилар, китоблар, расмларни томоша қиласдилар, ҳоҳлаган бадиий асарларини тинглайдилар. Бу фаолият турларининг барчаси болаларда эстетик ҳисларини шакилланишида алоҳида аҳамиятли ҳисобланади. Болаларнинг мустақил фаолияти улар учун дам олиш соати ҳисобланади, аммо иш билан бир вактда болаларнинг ўз-ўзини ташкил эта билиш қобилияти ўсишига, хулқ маданияти иродавий сифатларнинг тарбияланишига, жамоа муносабатларининг шаклланишига ёрдам беради. У ҳар хил фаолиятларда болалардаги ўзига хос жодкорликнинг ривожланишига кенг имконият яратади. Шунинг учун болаларнинг мустақил фаолиятига ҳам тарбиячининг раҳбарлик қилиши талаб этилади: чунки ҳоҳлаган иши билан шугулланишига имкон яратиш, керакли материал ва асбоб-ускуналар билан таъминлашда, тарбиячининг маслаҳати лозим бўлади.

Кун давомида тизимли равишда меҳнат фаолияти ташкил этилиб, болалар катталарнинг меҳнати билан таништириб борилади. Бу иш машғулотларда, экспурсияларда, мақсадли сайдарда, болаларнинг катталар билан биргаликдаги меҳнати давомида амалга оширилади. Бунда болаларнинг асосий эътибори меҳнатнинг инсонлар учун фойдасига, унинг хилма-хиллигига, ишлаётганларнинг ахлоқий муносабатларига қаратилади. Болаларнинг овқатланиши, машғулотга тайёрланиши, табиат бурчагида навбатчи вазифасини бажариш, уларда топшириққа нисбатан жавобгарлик ҳиссини ривожлантиради, шу билан бирга ижтимоий ҳис ва муносабатларни шакллантиради. Болалар ҳёти куннинг биринчи ва иккинчи ярмидаги кун тартибига биноан ташкил этилади. Бунинг учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиш зарур. Кичкина гуруҳ болаларнинг кўп вақти гуруҳ хонасида ўтади. Яхши жиҳозланган хона, ўйинчоқ ва қўлланмаларни тўғри танлаш болаларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришининг асосий шарти ҳисобланади. Гуруҳ хонасидаги ўйинчоқлар бу ёшдаги болаларнинг 2—3 та бўлиб ўйнашларини эътиборга олиб жойлаштирилиши, бир қанча ўйинлар учун ўйинчоқ бурчаги ташкил этилиши, унда яна қурилиш материаллари, ҳаракатланувчи ўйинчоқлар ҳам бўлиши керак, қолган ўйинчоқлар, расмлар, шкафларга болалар бемалол оладиган қилиб жойлаштирилиши лозим. Хонада болаларнинг полда машина, аравачаларни бемалол юргиза олишлари ва йирик қурилиш материаллари билан ўйнашлари учун ҳам жой ажратилиши керак, ҳаракатларни ривожлантирувчи жиҳозлар бинонинг маҳсус хоналарида сақланади ва жисмоний тарбия машғулотларидагина олиб чиқилади. Майдончага кум яшиклари, болаларнинг сакрашлари, тирмасиб чиқишлиари учун керакли жиҳозлар қўйилади. **Кичик гуруҳ.** Моддий муҳит иккинчи гуруҳ болалари учун ҳам худди биринчи кичик гуруҳнидек ташкил этилади. Бундан ташқари, кузатиш ва меҳнат учун табиат бурчагига аквариумда балиқ, тўрларда қушлар ва майда ҳайвонлар жойлаштирилади. Гуруҳ хонасидан китоб жавони учун жой

ажратилади. Бог ча майдончасида спорт ўйинлари билан шуг улланиш учун маҳсус жой булади, у керакли анжомлар билан жиҳозлаб қўйилади.

Ўрта гурух. Гуруҳда ухлаш хонаси, ҳожатхона ва ечиниш хонаси

бўлиши керак. Гуруҳ хонаси бир неча бўлимдан иборат бўлиши керак. Биринчи ўйин бўлимида қўғ ирчоқпар ҳамда керакли нарсалар жойлаштирилган шкаф бўлади.

Иккинчи ўйин бўлимида қурилиш материаллари қўйиладиган шкаф ва улар билан ўйнаш учун жой ажратилади. Шу хонанинг яна бир қисмida болаларнинг бадиий фаолият билан мустақил шуг улланишлари учун керакли материаллар қўйилади. Китоб бурчаги ва стол усти босма ўйини билан шуг улланишлари учун ўйин бурчагида тинчроқ жойни ажратиш керак. Табиат бурчагини деразаларга яқинроққа жойлаштирган маъқул. Хона амалий санъат асарлари ва кўкаламзорлаштирувчи ўсимликлар билан безатилади. Майдонча бошқа майдончалардан яшил, манзарали ўсимликлар билан тўсилиб, жисмоний машқлар ва спорт ўйинлар учун керакли асбоблар билан жиҳозланади.

Катта гурух. Ўйин бўлиmlари болаларнинг ёшига мос ҳолда ўрта гурух

хонаси каби жиҳозланади. Гуруҳ хонасида яна машғулот ўтказиладиган бўлим ажратилади ва у ерга тарбиячининг столи, экран, шкаф, тахта жойлаштирилади.

Болаларнинг мустақил ўйнашлари учун ҳамма керакли материаллар (столлар, ўйинчоқлар солинган қутичалар, витрина шкафи, токчалар ва бошқалар) бўлиши лозим. Табиат бурчаги, қўл меҳнати билан шуғулланадиган бурчак, китоб бурчаги, тасвирий фаолият бурчаклари бўлиши керак.

Тайёрлов гурухи. Бу ердаги машғ улот ўтказиладиган бўлимда катга гуруҳдаги сингари болалар учун икки кишилик столлар қўйилади. Гуруҳ хонасидаги жиҳозлар зарурат туфайли шуг улланганда ўйинга жой бўшатиш мақсадида бошқа томонга суреб қўядиган қилиб жойлаштирилади.

Майдончада спорт ўйинлари ва ҳар хил ўйин учун жой ажратилади, гулхона ва полиз ташкил этилиб, у ерда болалар ўзлари гул ва сабзавотларни етиштирадилар.

Болалар ҳаётини ташкил этишга қўйиладиган талаблар.

Куннинг биринчи ярмида болалар ҳаётини ташкил этиш. Болаларнинг боғчада қанча бўлиши бўлиши кун тартибида белгилаб қўйилган. Бунда эрталабки қабул муҳим роль ўйнайди. Тарбиячи болаларнинг боғчадаги вақти қизиқарли, сермазмун ўтишини таъминлайди.

Шундай қилиб, кун давомида болалар ҳаётини ташкил этишдаги ва эстетик ҳис-туйғуларини шакллантиришдаги педагогик талаблар қўйидагича:

1. Болаларнинг эстетик фаолият турлари билан шуғулланишлари учун шартшароитлар яратиш.
2. Ҳар бир ёш гуруҳида эстетик фаолият турларини алмаштириб бориш.
3. Болаларнинг ҳаракат ва эстетик фаоллигини етарлича таъминлаш.

4. Машғулот, ўйин, меҳнат, майший фаолият ўртасида эстетик тарбия билан боғлиқлик ўрнатиш.
5. Болаларнинг олган билим, малака, кўникмаларини мустақил эстетик фаолиятларида қўллай олишга ўргатиш.
6. Болани эстетик фаол бўлишга, ҳар доим бирон нарса билан машғул бўлишга ўргатиш.
7. Ҳар бир болани ижодий қобилиятлари, хоҳиш ва қизиқишлигини дикқат билан кузатиб бориш ва унинг эстетик ҳис-туйғуларини янада ривожланиши учун шарт-шароит яратиш.
8. Болаларнинг бутун фаолиятига, хусусан, эстетик фаолиятига тарбиячининг раҳбарлиги.
9. Эстетик ҳис-туйғуларни тарбиялашда кун тартибида қатъий риоя қилиш. Машғулот болалар bog часида болаларга таълим беришнинг асосий шаклидир. Машғулот-тарбиячининг болаларни керакли билим ва малакалардан умумий ҳолда хабардор қилишидир. Тарбиячи болаларга таълим беришни кун давомида амалга оширади: уларнинг билимларини бойитади, маданий, гигиеник, хулқ маданияти, нутқи, саноқ-ҳисоб, ҳаракатлари каби турли-туман малака ва кўникмаларини ва эстетик ҳис-туйғуларини шакллантириб боради. Аммо таълим беришда бош ролни машғулот эгаллайди. Машғулотлар болалар боғчасида таълимни ташкил этиш шаклидир. У мактабгача тарбия ёшидаги ҳамда болалар учун мажбурийдир, унда дастур мазмуни белгилаб берилган. Кун тартибида унга маълум ўрин ва вақт ажратилган. Машг улот тарбиячи раҳбарлигига ўтказилади, тарбиячи машг улотларда болаларни янги билимлардан хабардор қиласи, болалар эгаллаб олган билимларини эса аниқлаб мустаҳкамлайди. Болаларнинг амалий машг улотларини ташкил этади. Ўкув материалининг мазмуни аста-секин мураккаблаштирилиб борилади. Демак, машғулот болаларни мактабга тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Машғулот болаларда барқарор дикқат, иродани, дикқатни жалб эта олиш каби қобилиятлар ва эстетик ҳис-туйғулари ривожланади. Айниқса, болаларга билим беришни жамоа усулида олиб бориш катта аҳамиятга эга бўлиб, бу жараёнда улар биргаликдаги фаолиятда бир-бирларига фаол таъсир этишади, ўз ташаббуси, топаг онлигини намоён қилиш имконияти туг илади. Болалар ишига зўр беришни талаб этувчи вазифа қўйилганда биргаликда қайг уришади, жамоатчилик ҳисси, эстетик ҳистуйғулари шаклланади. Экскурсиялар, расм қирқиб ёпишириш, қуриш-ясаш ишларини биргаликда бажариш, умумий рақс-ўйинларини ижро этиш, бадиий асарларни эшитиш, ўқишида пайдо бўлган биргаликдаги эстетик кечинмалар болаларнинг бирлашган дўстона жамоасини яратишга ёрдам беради, бирга ишлаш, яшашга ўргатади. Машғулотда таълим бериш орқали болаларда мактабдаги ўқишига қизиқиши тарбияланади, жавобгарлик ҳисси, ўзини тута олиш, меҳнат қилишга интилиш одати, топширилган ишни бажариш каби сифатлар ҳосил қилинади. Машг улот пайтида болаларда мустақил фикр юритиш малакаси таркиб

топтирилади, тарбиячиларга қулоқ солиши, ҳикоя қилинаётган воқеадаги асосий гояларни ажрата олиш, қисқача умумлаштириш каби малакаларни ривожлантиришга катта эътибор берилади. Тайёрлов гурухларида машг улотлар орқали болаларда ташаббускорлик ва мустақиллик билимга қизиқувчанлик, фаол тафаккур, таққослаш, умумлаштириш, холосалар чиқариш каби малакалар тарбиялаб борилади.

Машг улот жараёнида болаларда кузатувчанлик, жавобгарлик ҳисси такомиллаштириб борилади, уларда меҳнат қилиш малакаси ва хоҳиши тарбияланади. Болалар боди часида кичкин тарбияланади.

Машг улотларни ўстириш машг улотлари, мусиқа машг улотлари, тасвирий санъат машғулотлари, кўриш ясаш, жисмоний тарбия машг улотлари олиб борилади ва **эстетик ҳис-туйғуларини шаклланишдаги омилларга айланади**.

Машғулотлар боладан ақлий ва жисмоний кучларни талаб этади, яъни у боланинг фаоллиги билан, боди лиқ бўлиб, бола маълум натижага эришиш учун интилади. Бу эса боладан узоқ ихтиёрий дикқатни талаб этади.

Машг улотларни куннинг биринчи ярмида ўтказилиши мақсадга мувофиқ, чунки биринчидан, бола эрталабки соатларда ақлий вазифани яхши бажара олади, хона табиий ёруғлик билан яхши таъминланган бўлади. Ҳар бир ёш гурухида неча марта машг улот ўтказилиши, унинг мазмуни ва ҳар бир машғулот ёш гурухлари бўйича қанча давом этиши болалар боди часи тарбия дастурида уларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда белгилаб берилган. Болаларнинг билимларини синовчи машг улотлардан мақсад тарбиячи болалар дастурда белгиланган билим ва малакаларни ўзлаштириш даражасини билиб олади ва ўзининг кейинги иши мазмуни, методларини белгилайди.

Машг улотнинг тузилиши:

1. Болаларни уюштириш
2. Асосий қисм
3. Якунловчи қисм.

Болалар машғулотга қизиқиш ва фаоллик билан иштирок этиши учун машг улот мазмуни ва методикаси пухта ўйлаб олиниши керак. Болалар ўқув_фаолиятини қанчалик пухта эгаллаб олсалар, тарбиячини эътибор билан тинглаб, ўйиндан машг улотга осонлик билан ўтадилар.

Тарбиячилар болаларни йигиб, уларнинг машг улотга тайёргарлиги: ташқи қўриниши, ўз жойига тўғри ўтириши, дикқатини тўплаганини текширади. Машғулот муваффақиятли ўтиши учун болаларда қизиқишини ўйготиш, бунинг учун болаларнинг ёши, қизиқиши фаолиятига мос ҳар хил усулларни қўллаш керак. Кичик гурух болаларида машг улотга қизиқишини ўйготиш учун болаларни қизиқтирадиган мазмундаги кутилмаган топишмоқлар, муаммоли усуллардан фойдаланилади. “Қулоқ солинглар-чи, кимдир эшик қоқяпти? Бизнига меҳмонга келди”, деб машг улотни бошлиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тарбиячи катта гурухларда эса қандай

машг улот ўтказилиши ҳақида болаларни олдиндан огоҳлантириб қўяди. Бу эса болаларни кейинги машг улотга бўлган қизиқишини орттиради.

Масалан, ҳайвонот боғига, экскурсияга боришни болаларга бир ҳафта олдин айтиб қўяди ва уларга ҳайвонот бўг ини айланиб чиқишини, ота-онаси билан сайд қилганда қандай ҳайвонларни қўрганини ва улар қандай таассурот қолдирганини эслаб қолишини таклиф этади. Болалар эса бу қунни зўр қизиқиш ва хурсандчилик билан кутишади. Катта гурух ва тайёрлов гурухларидағи болалар ўтказилаётган машг улотнинг зарур ва мажбурийлигини онгли равишда тушуниб унга тайёрланиб борадилар. Машг улот жараёнида болаларга янги билим берилади. Берилётган топшириқ юзасидан йўл-йўриқ қўрсатилади. Топшириқни бажаришда қийналган болаларга ёрдам ҳам берилади. Шунингдек, берилган топшириқни ҳамма болалар томонидан тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун тарбиячи турли хил метод ва усувлардан кенг фойдаланади.

Боғча ёшидаги болалар ўқишини ва ёзишини билмаганликлари учун ўтилган мавзуни қайтариб мустаҳкамлай олмайди. Шунга кўра болаларга берилган билимни мустаҳкамлаш тарбиячи такрорлаш ва машғулотлардан фойдаланиб боради. Бу жараёнда болаларга механик қайтариш ёки ёдлатишдан четлашиш керак. Чунки мазмунни англаб олинмаган материал тезда эсдан чиқади. Эстетик завқ, шавқ бера олмайди.

Машг улотда тарбиячининг болаларда қўядиган талаби, албатта, уларнинг ёши ва имкониятига мос бўлиши керак. Тарбиячи кичик гурух болаларини икки гурухга бўлиб машғулот олиб боради. Тарбиячи биринчи гурух болалари билан машг улот ўтказганда иккинчи гурух болаларига энага қараб туради. Тарбиячи дастлабки машг улотлар жараёнида гурух хонаси қўг ирчоқ ва ўйинчоқлар билан таништириши керак. Қўг ирчоқлар ёрдамида эса машғулот ўтказади. Тарбиячи аввал болаларда машг улотга қизиқиш уйг отиб берса, кейин машг улотнинг ҳамма учун мажбурийлигини болалар онгига сингдириб боради. Ўтказилаётган машг улотлар аста-секин мураккаблаштирилиб болалар хулқига мослаб борилади. Болалар машг улот жараёнида ахлоқ-қоидаларини эгаллаб борадилар. Тўг ри ўтириш, тарбиячини сўзини диққат билан эшитиш, чалғ имаслик, тарбиячи сўрагандагина жавоб бериш, жавоб берганда ўрнидан туриш кабилар ўргатилади. Бу усувлар болаларнинг эстетик ҳис-туйғуларни тарбиялаш мақсадига қаратилиши мақсадга мувофиқ. Машғулотнинг сифати ва унинг натижаси тарбиячининг унга қандай тайёргарлик қўрганига ва педагогик маҳоратига боғлиқ.

Машғулотга тайёрланиш мазмунига қуидагилар киради: машғулотни режалаштириш, керакли жиҳозларни олдиндан тайёрлаб қўйиш, болаларни машғулотга тайёрлаш.

Тарбиячи машғулотни бир бўлимдан битта эмас, балки бутун бир машг улотлар тизимини режалаштириб олиб борса, ижобий натижани қўлга киритиши табиий. Тарбиячи машг улотларни методик адабиётлардан кенг фойдаланилган ҳолда олиб бориши керак. Агар машг улотлар мураккаброқ


бўлса, тарбиячи, албатга, унга режа тузади. Режада машғулотнинг мазмунини тайёрланиш учун керак бўлган жиҳозлар, болалар билан олиб бориладиган дастлабки ишлар, машгулотнинг бориши ва тарбиячи фойдаланадиган методик усуллар кўрсатилади. Ҳар бир bog чада методика кабинетлари мавжуд, унда «Болалар bog часида таълим-тарбия дастури»нинг ҳамма бўлимлари бўйича методик қўлланмалар бўлади. Етишмаганини тарбиячи ўзи тайёрлайди, баъзан эса бу ишга катта ва тайёрлов гурухлари болаларини жалб этади. Тарбиячи машғулот учун керакли материалларни бир кун илгари тайёрлайди. Тарбиячи болалар bog часида асосий шахс ҳисобланиб, ёш авлоднинг тарбияланганлиги ва билиш даражаси унинг g оявий, сиёсий ва илмий педагогик тайёргарлигига, жавобгарлик ҳиссига, салоҳиятига, педагогик маҳоратига bog лиқ. Одатда, боланинг ўқув фаолиятига бўлган муносабати ҳам унинг тарбиячи шахсига булган муносабати билан белгиланади.

Болаларда эстетик хис-туйгуларни шакллантиришнинг ижтимоий тарбия вазифаларини ҳал этишдаги ўрни алоҳида аҳамиятга эгалиги қуидаги чизма орқали ўз ифодасини топган. Ижтимоий тарбия мақсадидан келиб чиқиб болаларда эстетик хис-туйгуларни шакллантириш мақсади белгиланганлиги, бунинг учун эстетик онг ва эстетик маданиятни тарбиялашда унинг таркиби, ҳамда узвий тизим ҳосил бўлиши орқали эстетик идеал ва қадриятлар қарор топиб бориши ўз ифодасини топган:

Интеллектуал, маънавий, эстетик уйгун ривожланган шахс

Максад : эстетик хис-туйгу тарбияси

Эстетик онг ва эстетик маданият тарбияси



Эстетик идеал

Эстетик қадрият

Болаларда эстетик хис-туйгуларни шакллантиришнинг йўл ва усул, шакллари хилма хилдир. Эстетик хис – туйгуларни муҳим воситаларидан бири сънат турлари орқали амалга оширилувчи иш шаклларидир. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилариини ижодкорлик фаолиятига қизиқиши ва интилиш кучли бўлиши табиий ҳолат. Бундай холатларни педагогик жихатдан тўғри хисобга олиш ўқувчиларда мукаммал эстетик хис – туйгуларни шакллантириш омиллари дан саналади. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларии билан уларнинг ёшлирига мос бўлган китоблар таҳлили орқали ҳам гўзаллик ҳақидаги тасаввурлари бойитилади ва уларнинг ҳаётий эстетик кечинмалари билан боғлаш орқали болаларда эстетик хис – туйгуларни шакилланиши ва уларни ривожлантириши самарали кечади. Айниқса адабиётдаги бадиийликни сезиш бадиий хусусиятларни англаш орқали ўқувчиларда ўқиган асарлардан завқлантириш эстетик хис – туйгуларни хосил қилишга замин яратади. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилариига шеърлар айтиш, ёд олиш истаклари кучлироқ бўлади. Агар мустақиллигимиз, истиқлол, бунёдкорлик, халқимизнинг яратувчилик фаолиятига bog лиқ шеърлар бўлса, уларни тарбиячи раҳбарлигига ҳис-ҳаяжон билан ўқиши ўқувчилар хис – туйгуларни хосил бўлиш ва ривожланиши учун замин яратади. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадхиясининг сўзларини тантанали ўқиши, ёки ёд олиш ва мусиқали бирга ижро этиши ҳам энг гўзал юксак хис – туйгуларни уйг отади ҳамда маънавий, эстетик хис – туйгулар ривожланиб боради.

Мамлакатимизда болалар сънатини ривожлантириш, уларнинг бадиий хис – туйгуларни ўстириш орқали эстетик қобилят ва эстетик истеъдод эгаларини тарбиялашга катта эътибор берилаётгани Президент ва хукуматимизнинг болалар театрлари, болалар ижодий уйлари, мусиқа мактаблари каби кўплаб муассасалар фаолиятига эътибор берилаётганлигига кўриш мумкин.

Жумладан, болалар театри кичик томашабинларда бадиий эстетик дидни, уларда маънавий хордик олиш билан бирга маънавий фазилатларни шакллантиришга ҳизмат қиласи. Тарбиячи, ота-оналар ҳамкорлигидаги томоша қилинадиган болалар театрлари қўринишларининг асосий ғоялари ва образлардаги гўзалликни англанишида муҳимдир. Чунки улар билан бу борада сухбатлар ўтказиш яхши натижалар беради. Томоша қилган саҳна қўринишлари мазмуни, улардаги ижобий, салбий образлар, нима яхши-ю, нима ёмонлигини кўрсатиб бериш тарбиячи, ота-оналар – катта авлоднинг вазифаси ва бурчи ҳисобланади. Боғчаларда ҳам бадиий тўгараклар ташкил этилса, унда болаларлар иштроки, шунингдек улар ўртасидаги турли танловлар ўтказилиши уларнинг эстетик тушунчаларини ўсишга хис – туйгулари ривожланишига ҳизмат қиласи. Болалари эстетик хис – туйгуларини шакилланиши ва ривожланишдаги яна бир муҳим сънат воситалари таъсвиридан унумли фойдаланиш ҳам ўқувчиларни табиат манзаралари тасвирланган суратлар, яратилган асарлар кўргазмаларини

кўриш Ўзбекистонимизнинг табиатини ранг баранглиги, бойлиги ва гўзаллигини ҳис қилиш, ўз навбатида гўзалликни тушуниш, эстетик билимларини бойиш, ҳамда уларни фаолиятда кўллаш истаги – эстетик қизиқиши, интилишни шакллантиради. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик хис –туйғулар уларда юзага келтириладиган кечинмаларга bog лиқ. Бу эса тарбиячининг саънат турларидан фойдаланиш маҳоратига кўп жиҳатдан bog лиқдир. Таъсвирий саънат асарлари, масалан ўзбек рассомлари яратган табиат ҳақидаги расмларда тасвирлар мазмунини табиат бағрига сайр ва экспозициялар уюштириш орқали кузатиши натижаларини bog лаш ҳам ўқувчиларда эстетик ҳис-туйғулар шаклланиши ва ривожланишида муҳим жиҳат ҳисобланади. Болаларда кунда ўтадиган кўчалар, улар яшайдиган ҳовлилардаги дараҳтлар, уларнинг яшил барглари уларнинг шабадага эгилиши, қуёш тиг ида товланиши кабилар расмлар кўришдаги тарбиячи, экспурсавод, ҳикоялари туфайли уларда ўзгача эътибор билан қарашни юзага келтиради. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик хис-туйғулар шаклланиши ва ривожланишида таъсвирий саънат асарлари – тарихий архитектура намуналари бўлган обидалар, тарихий ёдгорликларни бориб кўриш, у ердаги улуғвор бинолар, уларнинг кўриниши, берилган ранг тасвирлар ҳақида маълумотлар ҳам ўқувчиларда жонажон ватанимиз тарихи, ота-боболаримиз ҳаёти, хунармандчилиги кабилар ҳақидаги билимларини бойитибина қолмасдан ўз туғилиб ўсган жойлар- юргита меҳр-муҳаббат уйготади, эстетик хис – туйғулар маънавий ҳис –туйғуларга уйғунлашади.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик хис-туйғуларни шакллантириш тизимида саънат воситалари орқали амалга ошириш самаралидир. Зоро саънат бу борада муҳим воситадир. Саънат воқеликни хиссий идрок қилинадиган бадиий образлар ёрдамида акс эттириб, ана шу образлар орқали кишининг ҳислари, онгига таъир этиб, унинг дунёқарашини таркиб топишга олиб келади. Санъат инсонга зўр завқ баг ишлайди, эстетик хис-туйғуларини ўстиради. Ҳаётни тушуниб олишга ёрдам беради.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик хис-туйғулар, фикрларни ривожланиши, гўзалликни кўра билиш завқланишини шакллантириш бу борадаги ижтимоий тарбиянинг муҳим вазифаларидан биридир. Уларни амалга ошириш тарбиячи ва мураббийлар фаолияти, билими, савиасига bog лиқдир. Мактабгача таълимнинг вазифаси болаларни халқнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси ва эстетик хис-туйғуларни шакллантириш, маънавий ахлоқий, жиҳатдан тарбиялаш: болаларда миллий ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишига интилиш мойилликларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустакил ваэркин ифодалаш малакаларини шакллантириш, болаларнинг жисмоний варухий соғлигини таъминлашдан иборат.

Асосий мақсадлардан яна бири замонавий тасвирий санъат орқали болалардаги қобилияят ҳамда имкониятларни аниқлаб, уларни тўг ри шакллантириш ва юзага чиқаришдир.

Тасвирий санъатнин гўзига хос мураккабликларини тушуниб, унинг нозик қирраларини мактабгача ёшдаги болаларга улашиш маҳоратига эга бўла оладиган тарбиячиларни етиштириб чиқариш вазифаси турибди.

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият воситасида болаларнинг эстетик қобилиятларини шакллантиришда тарбиячининг ўрнибекиёс. У чуқур билим ва юқори малакага эга бўлиши, бунинг учун мунтаззам равишда ўз устида ишлаши, ўзининг илмий назарий савиясини тинимсиз кўтариши, илг ор тажрибаларга таяниши керак.

Мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ҳам шаклан, ҳам мазмунан замон талабларига мослаштириш, таълим сифат-самарадорлигини узлуксиз такомиллаштириб боришга йўналтирилди.

Тасвирий фаолияти бўйича мактабгача таълим муассасаси дастури ва мактабда тасвирий санъат дастури болаларда теварак атрофга нисбатан, санъат болаларда эстетик муносабатни тарбиялаш ижодий қобилияят ва тасвирлашларини ривожлантиришни ва эстетик хис–туйғуларни шакллантиришни кўзда тутади. Мактабгача таълим муассасаси машғ улотларида, мактабда муваффақиятли ўқиб кетишлари учун зарур бўлган вазифалар хал этилади. Расм, аппликация, лой ишлари жараёнида болаларда фикр юритишининг анализ, синтез, такрорлаш, конкретлаштириш кабилар шаклланади. Шунингдек бу жараёнларда болалар жамоада ишлашга, ўз ҳаракатини ўртоқларининг ҳаракатига бўйсундиришга ўрганадилар. Болалар мактабгача таълим муассасасида тасвирий фаолияти машғ улотлари болаларда, ўқув фаолиятида зарур бўлган малака кўникмаларни ҳамда эстетик хис–туйғуларни шакллантиради.

Мактабгача таълим муассасаларининг тасвирий фаолият бирламчи йўналиши мактабгача ёшдаги болаларни бадиий-эстетик тарбиялаш ҳисобланади.

Бу йўналишнинг самараси эстетик йўналишнинг барча воситаларини (театр, мусиқа, бадиий адабиёт, расм чизиши, аппликация ва бошқ.) комплекс тарзда қўлланилганда гина аниқ бўлади. Мактабгача таълим муассасаларида ўтиладиган “Тасвирий фаолият” машғ улотлари болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадиий фаолият ҳисобланади. Бадиий фаолият машғ улотларининг барча турлари болаларда гўзалликни билиш учун, борлиққа эмоционал-эстетик муносабатни ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиб беради.

“Тасвирий фаолият” машғулотлари жараёнида:

1. Бадиий эстетик дидни тарбиялаш;
2. Амалий бадиий эстетик фаолият ва малакаларни ривожлантириш;
3. Фантазия, ижодий фикрлаш ва тасаввур қилиш, идрок қилишни ва эстетик хис–туйғуларни ривожлантириш;

4. Кўлнинг аниқ ҳаракатлари ва бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш;
5. Касбий бадиий-ижодий фаолият куртакларини намоён бўлиши учун имкон яратиш ва эстетик ҳис-туйғуларини шакллантириш каби таълимий ва тарбиявий масалалар ҳал этиб борилади.

Мактабгача таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастурининг тузилиши ва мазмунининг таҳлилидан аёнки, кичик гурухлардан бошлаб энг кўп вақт тасвирий фаолиятга ажратилган.

Агар тасвирий фаолиятнинг турлари

- расм (2соат),
- аппликация (0,5 соат),
- қуриш-ясаш (0,5 соат)
- лой ишини (1 соат) қўшиб ҳисобласак, жами 4 соатни ташкил этади.

Ҳафталик юклама 12 соатни ташкил этилишини эътиборга оладиган бўлсак, тасвирий фаолият барча фаолиятларнинг учдан бир қисмини ташкил этади.

Демак, тасвирий фаолият интегратив мазмун касб этувчи энг катта бўлим ва эстетик ҳис-туйғуларини шакллантириш учун асосий омиллардан ҳисобланади ва фаолиятнинг бошқа турлари билан мантиқий ва дидактик bog лиқлиқда амалга оширилади. Бу омил тасвирий фаолият машг улотлари мазмуни ва методикасини фаолиятнинг бошқа турларига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб бориш лозимлигини англаатади.

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият машг улотларда болалар асосан амалий иш бажарадилар, санъат асарларини билан расмга қараб ҳикоя қилиш; мактабда эса тасвирий санъатнинг турлари ранг тасвир, график, ҳайкалтарошлиқ ва декоратив санъат асарлари билан янада чукурроқ танишадилар. Мактабгача таълим муассасасида тасвирий фаолият машг улотлари хилма-хилдир: расм чизиш, лой, аппликация, қуриш-ясаш машғулотлари ҳисобланади

. Мактабгача таълим муассасасида қелтирилган машг улотларнинг ҳаммасига катта аҳамият берилади ва таълим-тарбия масалаларининг муваффақиятли ҳал этилиши мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирлаш фаолияти машг улотлари билан узвий равишда олиб борилишига кўп жиҳатдан bog лиқ..

Болалар гуруҳдаги олиб бориладиган тасвирий фаолият машг улотларида, қалам ҳамда мўйқаламдан эркин фойдаланишга ўз характерини ва қўл кучини идора этишга ўрганадилар. Бу эса, малакани эгаллаш, болаларда кўлинни енгил, эркин бир текисдаги ҳаракат қилиш хусусиятларини ривожлантиради.

Болалар турли шакл, катталик, пропорциядаги предметларни чизиш жараёнида предметнинг иш хусусиятига қараб йўналишни сақлаш зарурлигига, предметнинг катталигига мос равишда ҳаракатланишга ўрганадилар. Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирий

фаолият машг улотларида материалдан тартибли фойдаланишга , уларни тоза сақлашга, фақат зарур материаллардан ҳамда уларни ишлатиш йўлларини режалаштиришга ўрганадилар. Бу машг улотлар болаларда диққатни ва кўриш хотирасини ривожлантиради.

Мактабгача таълим муассасалари тайёрлов гуруҳида натурага қараб расм чизиш ёки тасвирлашга нисбатан талаблар ошади ва бу талаблар мактаб талабига яқинлашади. Натурага қараб тасвирлашда ишнинг кетма-кетлигини кўрсатиб, болалар тайёрлов ва катта гуруҳида ўрганишнинг бошланг ич босқичидагина амалга оширилади. Болалар натурани анализ қилишга бутун умумий шаклни хомаки қог озга тушириб олишга, расмни натурага солишишишга, хато ва камчиликларини тўғрилашга, натурага ўхшатишга уринадилар.

Тасвирий фаолият машг улотларида геометрик шаклларни топа олишга ёки кўра олишга, уларни терминлар билан аташга, кенглиги катталиги, узунлиги, баландлигини, қисмларнинг бир-бирига нисбатан фазовий жойлашишини билан танишишни болаларни боғчани қуриш-ясаш машг улотларида материаллардан қуриш ясаш болаларда кўз билан чамалашни шакллантирад. Шундай қилиб, тасвирий фаолият машг улотларида болалардаги бадиий эстетик дид ва ижодий қобилиятлар ўсади ва бу орқали мактабда ўқишига тайёрланиб борилади. Чунки болалар предметлар билан узвий bog ланадилар, уларнин гўзига хос сифатлари, шакли, ранги, катта-кичиклиги билан танишадилар, уларни фарқини, ўхшашлигини аниқлайдилар, бу эса, болаларни сенсор тарбиялашга, кўргазмали, образли фикр юритишга имкон беради.

Тасвирий фаолият болаларни эстетик тарбиялайди. Болалар ишларида ўз ҳаётида, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни акс эттирадилар, улардан мамнун бўладилар, ҳаяжонланадилар. Тасвирий фаолият жараёнида болаларда ироданинг сифатлари-бошлаган ишини охирига етказиш, олдига мақсад қўйиб, ўшани бажаришга томон интилиш, қийинчиликларни енгиш, ўртоқларига ёрдамлашиш каби хусусиятлар тарбияланади. Жамоа ишини яратиш жараёнида болаларга бир-бирига ёрдам, келишиб ишлаш каби сифатлари ; ишни баҳолаш жараёнида, уларда ўртоқларининг ишга нисбатан реал муносабатда бўлиш, тўғри баҳолаш, ўз ишидан ва ўртоқларининг ишидан хурсанд бўлиш каби ахлоқий сифатлар ҳамда эстетик ҳис-туйғулари шаклланади.

Тасвирий фаолият-бу болаларни ўз олдига қўйган мақсадларини бажаришда тинмай меҳнат қилишга ундовчи фаолиятдир. Тасвирий фаолият болаларга эстетик тарбия беришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Ҳар бир предметнинг катта-кичиклигини, рангини, шаклини, фазода жойлашишини ажратиш бу эстетик сезгининг бўлаклари ҳисобланади. Болаларда эстетик сезгининг ривожланиши - ранги, ритми, пропорцияни чукурроқ сезиш билан боғлиkdir. Бола рангни, шаклни, унинг хилма-хиллигини сезса, шунчалик ранглар аралашмасининг хилма-хиллигидан завқ олади, баҳраманд бўлади. Болаларда эстетик сезгининг ривожланиши, уларда предметга ва унинг баъзи

сифатларига нисбатан эстетик баҳо беришни ривожлантиради. Уларда тасвирий санъат асарларини тушунишга, уларга нисбатан ҳис-туйг уни, муносабатни тарбиялади. Тасвирий фаолият болаларнинг бадий ижодий ўсишида муҳим ўрин эгаллади. Боланинг бадий ижодий ўсиши-бу образли фикр юритиш, эстетик идрок этишни ва образ яратишда зарур бўлган малака, кўнимкамларни эгаллаш ҳисобланади. Масалан: табиатга ёки истироҳат боғ ига сайр, куз фаслида экскурсия уюштириш. Тарбиячи болаларни предмет ёки теварак атрофни кузатишда келиб чиқувчи эстетик ҳис-туйғу орқали, теварак-атрофга, кишилар меҳнатига тўғри баҳо бериш, Ватанга нисбатан муҳаббат каби сифатларни тарбиялаш мумкин.

Болаларни ўз ишини яна ҳам чиройли ва яхши бажариш, бошқаларга ёқадиган, улар кўрганда қувонадиган қилиб яратиш - бу бадий, ахлоқий тарбиялашнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Боғчада болаларни мактабга тайёрлашда тасвирий фаолият катта аҳамият касб этади. Расм, лой, қуриш материаллари бўйича билим, малакаларини эгаллаш мактабда тасвирий фаолият дарслари ва меҳнат дарсларини муваффақиятли эгаллашларига асос бўлади. Уларни ўкув фаолиятига тайёрлайди: педагогни тинглашга, унинг кўрсатмаларини бажаришга ўргатади. Олдига қўйилган вазифани ҳал этишда, унинг асосий ва муҳим ҳал этиш юлларини излаб топиш бу ўкув фаолиятнинг асосий сабабларидан биридир. Тасвирий фаолият жараёнида ўз ишини назорат қилиб бориш, мактабда вазифаларни бажаришда ҳам роль ўйнайди. Шунингдек, бола тасвирий фаолият жараёнида психологик жиҳатдан ҳам тайёрланиб боради ва эстетик фаолиятга кириб боради.

Тарбияланувчилар эстетик ҳис-туйғуларини шакллантиришга доир иш усулларидан шеърлар ўқитиши ва ёд олдириш, ўйинлар ташкил этиш орқали ҳам амалга ошириш уларнинг бадий эстетик ривожланишлари самарадорлигини таъминлайди

Қуйида тарбияланувчиларда эстетик ҳис-туйғуларини шакллантиришнинг муҳим йўл ва усулларидан айрим дидактик, ҳаракатли ва бошқа ҳалқ ўйинлари ҳамда уларни ўтказишга доир намуналар келтириш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда таъкидлаш жоизки ушбу тавсия қилинган ўйинлардаги рақамлар оғзаки тарзда машғулотларни олиб боришни назарда тутади. Шунингдек, мактабга тайёрлов гуруҳлари ҳамда катта гуруҳлар билан ишлашда қўллаш мақсадга мувофиқ:

ШЕъРИЙ МИСОЛЛАР

Сотиб олдим 5 та айик
Сувга солдим 5 та қайик
Санаб билинг Санаб билинг
Нечта айик нечта қайик

$$5+5=10$$



Еркинжоннинг шкафидаги
 10 та китоб
 Нодир яна қўшиб қўйди
 5 та китоб
 Санаб билинг, Санаб билинг
 Нечта китоб, Нечта китоб

$$10+5=15$$



Дарахтда 10 та гилос
 Енди қулоқ сол Чарос
 Узуб олдим 5 таси
 Айтчи қолди нечтаси?

Бобом эккан опмапар
 Кузд:
 Укам
 Ойим
 Қани



$$4+5=9$$

Дарахтдаги олмахон
 6 ёнг оқ олибди
 У сакраган чог ида
 2 таси қолибди
 Ким биринчи айтади
 Тўкилибди қанчаси?

Кўлда сузар 5 та ўрдак
 Биз ҳам қўшсак 2 та ўрдак
 Санаб кўринг
 Санаб кўринг
 Бўлди энди Нечта ўрдак?

Расқга тушди Доно, Лола
 Чапак чалди 8 бола
 Қани менга ким айтади?
 Хонада бор нечта бола?

$$10-5=5$$



$$6-2=4$$

$$5+2=7$$




$$8+2=10$$



$$4+2=6$$

Идишдаги конфетни
 Санаб қўйди опаси
 Зайнаб олди 2 таси
 4 та олди укаси
 Опаси келганида
 Қолмаганди биттаси
 Қани ўйлаб кўрингчи
 Нечта эди ҳаммаси?

Ү
С
Ч
С
С
И



$$5+5=10$$

Футболга шай туришди
7 ўғил 3та қиз
Кетиб қолди 3 таси
Ишлари бўлиб тиг'из
Енди футбол ўйинда
Қатнашади нечтаси?

Оппоқ она қуённинг
5 боласи бор эди
Катта қамиш саватда
10 та сабзи бор эди
Она қуён болаларга
Улашибди 5 таси
Қани айтинг, қани айтинг
Саватда қолди нечтаси?

$$10-3=7$$



$$10-5=5$$

Дараҳтда 10 олмахон
Қани айтчи қизлархон
Яшириндиди 5 таси
Айтчи қолди нечтаси?

$$10-5=5$$

Буви бер
ди 1 кулча
Она берди 3 тача
Мазали бу кулчани
Қўшсак бўлади қанча?

$$1+3=4$$

Товуққинам оппог ой
Жўжа очди хойнахой
Жўжалари 8 та
Беркиниб олди 2 та
Қолади энди нечта?



$$2=6$$

Алида бор 3 қўзи
Валида бор 4 қўзи
Қани ким айтади
Кимда бор қўпроқ қўзи?

$$4-3=1$$

Боғимдаг и г уллардан
Очилибди 5 таси
Ғунчалар 10 та эди
Очилмабди нечтаси?

$$10-5=5$$



У шохдадир 7 қүш
Бу шохдадир 2 қүш
Учиб кетса 5 таси
Шоҳда қолар нечтаси?



$$(7+2)-5=4$$

Аъзам тутди 4 сазан
Султон тутди 3 чўртган
Собит тутди 2 лакқа
Нечта балиқ чиқди қирг оққа?

$$4+3+2=9$$

Оппоқ товуқ дон чўқир
Сув ичади кораси.
Қанча товуқ бўлади,
Кўшилг анда оласи.

$$1+1+1=3$$

Ойим берди беш анор,
Ўзимда ҳам учта бор.
Санаб билсанг айтиқол,
Менда нечта анор бор?

$$5+3=$$



Адам ва ойим бор яна бувим,
Мактабг а қатнар опам Муяссар.
Заводда ишлар амаким Акбар,
Ҳаммамиз нечта? Топинг чи Аброр.
Симг а қўнг ан уч қалдирг оч,
Келиб қўнди бештаси.
Сўнг иккитаси учиб кетди,
Қалдирг очлар нечта қолди.

$$1+1+1+1+1=5$$

$$(3+5)-2=6$$

Қўлимда бор учта ёнг ок,
Чўнтағ имда иккита.
Үртог имда ҳам шунча,
Ҳамма ёнг оқлар қанча?




Икки айик талашиб,
Тўрта анжирни йеди.
Учинчиси ҳам келиб,
Иккита анжирни йеди.
Аг ар қўшиб санасак
Нечта анжирни йеди.

$$4+2=6$$



Чўмилишарди кўлда,
Али, Вали ва Жалил.
Уларг а қўшилдилар,
Хасан Хусан ва Ҳалил
Ким жавобин айтади,
Чўмилди нечтаси.

$$1+1+1+1+1+1=6$$



Г улдаста тайёрлашг а,
Рано терди беш лола.
Унг а уч атирг улни,
Келтирди қўшни бола.
Г улларни қанчалиг ин,
Айтади қайси бола.

$$5+3=8$$



Сувг а тушг ан коптокни,
Олмоқчиidi бир бола.
Унг а ёрдам беришди,
Икки қизу беш бола.
Коптокни сувдан олг ан,
Жами нечта бола.

$$1+(2+5)=8$$

Сувг а ясаб солишиди,
8 тача қайиқча.
Сузиб – сузиб чўкибди,
Иккитача қайиқча.

$$8-2=6$$

Ўйлаб сира бўлмабди,
Бизнинг жажжи айиқча
Қани сиз ҳам ўйланг чи,
Қолди қанча қайиқча.



Дараҳтдаг и бодомни,
Қоқиб термоқчи бўлдим.
Силкитг анда танаси,
Тўкилди 8 таси.

$$8-5=3$$

Укамг а бердим бешта,
Қолади менда нечта.

Тарбияланувчиларда эстетик ҳис-туйғуларини шакллантиришнинг муҳим
воситалари сирасиг а табиат алоҳида ўрин эг аллайди., Табиат
гўзалликларини анг лаш ва ҳис этишда болалар билан фасллар, табиат ўзг
аришлари ҳақидаг и ва уларни табиат билан дўстона муносабатда
бўлишлариг а, яъни уни авайлаб, асрайдиг ан, шунинг дек, уларда табиатг а
эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш орқали баркамол бўлиб вояг а
етишларида қуидаг и и шеърлардан ҳаракатли ўйинлар ташкил этиш ва
ўтказиш ҳам тарбияланувчилар эстетик ҳис-туйғуларини шакллантириш
мазмунини янада бойитади:


(Ҳаракат билан)

Кўлг а олиб қаламни
Чизамиз кенг оламни.
Ер, осмон, қуёш, ойни,
Табиатни, чиройни.



(Ҳаракат бি)

Биз тердик г улда
Кўринг гўзал қај
Баландлиг и шун‘
Пастлиг и шунча
Кенг лиг и шунча
Торлиг и шунча
Ўйлаб кўринг , ўй
Сиз ҳам г улдаста



Күнча (топшишмоқ)

Шохдан-шохг а сакрайди,
Чуг ур-чуг ур сайрайди.
Қани уни ким айтар
Яна биз томон қайтар.



Тилла қўнг из (Ҳаракат билан)

Тилла қўнғиз
Дейди «ғиз-ғиз»
Кўйвор мени
Ишим тифиз



Ёмг ир (Харақат билан)

Бугун хаво бошқача
Чуон ог ир зил-зил.
Ертадан то кечгача
Ер узра сув мил-мил
Бирин-кетин томчилар
Синар гүё чил-чил.




Бузоқча

Яйловда бир бузоқча
Аразлайди түдадан.
Кетиб қолиб узокқа
Адашибиди подадан.




Күёнчалар

Сабзи экар қуёнлар,
Қуёнлар — ёш деҳқонлар.
Хуш кўришар сабзини,
Туш кўришар сабзини.
Сабзи унар бир дона
Күёнвойлар парвона.



Шамол (Харақат билан)


Шамол фир-фир елади,
Ёмг ир тиқ-тиқ ёғ ади.
Ҳар битта ўқувчи
Керак буни билиши
Бу — табиат ўзг ариши.



Яшининг да ур, ур!
Булут бўлиб бир зумда
Так-так ёмғир ёғ ворди.
Соябонсиз болалар
Уй томон чопиб қолди.



Байрам куни шарларни
Шишириб безаб қўйдим
Учирмасин шамол деб,
Мен уни бог лаб қўйдим.




(Харақатли машқ)

Шамол г ул бандларини
Секин-секин тебратди.
Г улнинг хушбўй ҳидини
Ҳар томонг а тарқатди.



Куз (Харақатли машқ)

Сойлар оқар шилдираб,
Қуёш чиқар милтираб.
Шамол фир-фир йелади
Бу фасл куз бўлади.



Қиши (Харакатли машқ)

Қор худди гул баргидек
Чор-атрофға сочилар.
Үйларнинг мўрисидан
Тутун чиқар бўралар,
Бунда ҳаво совийди.
Майдончамиз музлайди.
Ҳамма буни билади.
Бу фасл қиши бўлади.



Деҳқон бувам димог и

Чог , чог , чог .
Бўлар ҳосил хирмони
Тог , тог , тог .



(Харакатли машқ)

Күшлар шоҳда сайрайди,
Учиб, қўниб яйрайди.
Шамол эсади фир-фир
Япроқлар шилдир-шилдир.
Тўргай (Харакатли машқ)
Тўрғай, тўрғай, хай тўрғай!
Жим ўтиранг не бўлғай!
Тўргай баланддан боқиб,
Дейди қанотин қоқиб:
— Айлаганимда парвоз
Дилим равшан бўлар бир оз.



Олақарғ а

Олақарғ а «қағ» деди
Менинг вақтим чоғ деди.
Севган уйим дараҳт-у,
Ўйнар йерим боғ , деди.
Олақарғ а «қағ » деди
Менинг вақтим чоғ , деди.
Меҳмон келар уйингга
Кўрпачани қоқ, деди.



Осмонжоним

(Еколог ияни асраши ҳақида)
 Сариқ тутун, қора тутун
 Осмонимдан қоч, қоч!
 Захар кукун, захар кукун
 Осмонимдан қоч, қоч!
 Осмонжоним, осмоним
 Поклиг инг ча тур, тур.
 Тутунларни, кукунларни
 Яшининг да ур, ур!




Тунда кўриб чўқ дейман,
 Тонг да турсам ёқ дейман (Юлдуз)

Ойна эмас жимирлайди,
 Тек туролмас қимирлайди (Муз)

Илон изи ёруғ нур
 Булутларни қучади.
 Жаранг дор овозидан
 Еру-осмон кўчади. (Момақалдироқ)


Тилла Қўнг из

Тилла қўнг из тутиб олдим,
 Яйраб хурсанд бўлиб қолдим.
 Ип солмадим оёгиг а,
 Зерикиш ёқ бу ёгиг а.
 Кўнг из ёзиг қўш қанотин
 Учиб қолди шу заҳоти.
 Чарчаг аним билинг анди-да
 Кўзим аста илинг анди-да.



Ҳаракатли машқ

Чакки томди бүт отдан
 Чак-чак-чак,
 Қуёш кулди мовий кунда
 Ярк-ярк-ярк.
 Қишиб бобонинг қор чопони
 Сўкилди, сўкилди
 Кўз ёшлари томчи бўлиб
 Тўкилди, тўкилди.



Қирлар баг ри қандай соз-а
 Қир ҳавоси соф ва тоза.
 Серкиллайди қўзичоқлар,
 Диркиллайди гул-лолалар.
 Алвон-алвон шодликларим,
 Жаҳон-жаҳон оқ уфқлар.
 Ақлим олди гўзал қирда,
 Мехрим олди.



Пәбиатға оид топиши мөқлар

Е каби у думалоқ
Үзи эса ўйинчоқ.
Осмонда у ярақлаб
Кулиб тураг чарақлаб. (*қүёши*)

Гоҳ баркашг а ўхшайди,
Гоҳ бобонинг ўроғи.
Тунда пайдо бўлг анда
Яшнаб кетар эл боғи. (*Oй*)

Баҳайбат фил сув пуркар,
Томоша қилар Ҳулкар.
Товуқлар чўчиб кетди.
«Қо-қолаб» қочиб кетди.

Мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчилар эстетик ҳистийгуларини шакллантиришда улар билан ўтказиладиг ан байрам тадбирлари катта аҳамиятг а эг а бўлиб, бир вақтда уларнинг ҳам жтимоий, мусиқий, маънавий, бадиий эстетик жиҳатдан ҳам ривожланишлари омили бўла олади. Кўйдаг и байрам тадбири сценарийларини тавсия этиш мақсадга мувофиқ:

«МУСТАҚИЛ ЎРТ ЭРТАСИМИЗ, ИСТИҚЛОЛНИНГ ЭРКАСИМИЗ!» НОМЛИ 1-ИЮН ХАЛҚАРО БОЛАР КУНИГ А БАГ ИШЛАНГ АН БАЙРАМ СЦЕНАРИЙСИ

Бошловчи: Қадрли, болалар! Буг ун сизлар билан 1-июн Халқаро Болалар ни химоя қилиш куни байрамиг а байрам қилиш учун йиг илдик. Барчанг изни ушбу байрам билан табриклайман! Келинглар бунги байрамимизни болалар қўшиқ билан бошлаймиз.

Бошловчи: Уйг онар чўққилар устида офтоб,
 Ям-яшил водийга сочиб олтин нур.

Ўзбеклар юрти бу навқирон, озод,
Заминда мусаффо ўлкасанмаг рур.
Оқар дарёларинг айкириб оқсин,
Сог лом авлодларинг баркамол ўссин.
Тинчлик, омонлик шиоринг бўлсин
Юрting бой ҳамиша сог омон бўлсин.

1 бола: Ўзбекистон фарзандимиз,
 Мустақил юрт дилбандимиз.
 Элимизнинг эркасимиз,
 Ватанимиз эртасимиз.

2 бола: Боболарг адавомчи,
Истиқболнинг таянчи.
Кўкка етар орзулар,
Биз Ватаннинг ишончи.

“Рақс”-----

Шўх мусиқа остида даврага Билмасвой кириб келади .

Билмасвой: Ие, бу ерда нима бўляпти. Бунчаем одамлар кўп .

Бошловчи: Ха , Билмасвой! Салом йўқ , одоб йўқ , алик йўқ 2та сумкани кўтарволиб
қаерг а кетяпсан ?

Билмасвой: Эй! Шуниям билмайсизми , байрамга кетяпман !

Бошловчи: Хўб яхши , байрамга кетяпман , санашибни , ёзишибни, ўқишни
биласанми?

Билмасвой: Эй! Мани нима деяпсиз! Қойиллатаман !

Бошловчи: Бўлмаса сени бир синайликчи. 2+2 неччи бўлади.

Билмасвой: 3 бўлади .

Бошловчи: Тўғ рими болалар!

Болалар: Йўқ, нотўгри 4 бўлади .

Бошловчи: 1+1 қўшсак неччи бўлади .

Билмасвой: Бе.....Шуниям билмайсизми, 11 бўлади . 11 трамвай борку 2
оёқ..

Бошловчи: Тўғрими болалар !

Болалар: Йўқ, нотўғри 2 бўлади .

Бошловчи: Кўриниб турибди қойиллатишингни. Унда сени спорт билан синаб кўрамиз

Арқонн тортиш мусобақаси

Бошловчи : Мана бунаقا бўлади спорт мусобақаси шуниям эплолмадинг ку. Яна ақилли еканмиш. Ахир бугун қана кунлигини хам билмайсан. Туғрими.

Билмасвой: 1-сентябрку Бугун мактабга борадиган кун тўғрими болажонлар

Болажонлар ЙЎҚ. Буг ун 1-июн болалар куни.

Бошловчи: Эй ландовур шуниям билмайсами Болалар куни бугун қани бир шерлардан айтиб берчи. Биласанми? Ёки Ватан нималиги биласанми

Билмасвой :ЙЎҚ билмайман.

Бошловчи: Унда бизнинг болаларадан эшлитиб ва ўрганг ин.

Бошловчи: ВАТАН-бу қандай сехрли маконки, унинг ҳимояси, тинчлиги деб халқлар жонини аямайди. Уни қандай жозибаси борки, эгалари бегоналарг а берг иси келмайди.

1 бола: Уни қандай жозибаси борки, эгалари бегоналарга бергиси келмайди.

Буюк бобомиз Амир Темур ўзбекнинг ана шундай фарзанди эдилар. Жалолиддин Мангуберди ҳам шулар қаторидандирлар.

2 бола: Ватаннинг қандай меҳри борки ундан йироқлашсанг ўзига тортади. Бир умр ўз вататанини согиниб ўтган Мирзо Бобури бор бу ватаннинг.

3 бола: Бу улуг аждодларимиз ўзлари яшаган вақтларида ҳам ватанларининг мустақил ва озод бўлишини орзу қилганлар ва шу йўлда курашганлар.

“ЎЗБЕКЧА “РАҚС” ИЖРО ЭТИЛАДИ.

Бошловчи: Болалар, ҳозир қанақафасл?

Болалар: Ёз!

- Бошловчи:** Ёзни қанақа ойлари бор?
Болалар: Июнь, июль, август !.
Бошловчи: Жудаям түгри .
- Бола:** Қатор-қатор бўлишиб, юрамиз илдам шаҳдам.
Кучг а, завққа тўлишиб, куйтаймиз яйраб ҳар дам.
- Бола:** Бизнинг авлод ёш авлод, ҳар бириша қодир мард.
Алпомишдек ботиру, барчинойдек сарвқомат.
- Бола :** Авлодимиз хўп доно, юрт ишқида ёнадур.
«Сог лом танда сог акл», деган бизнинг шиор
бор.
- Бошловчи:** Болажонлар қаранг лар даврамизг а меҳмон бўлиб Ёз
кириб келяпти-ку!

(Мусиқа остида Ёзкирибкелади. Қўлида сариқ гул)

Ёз: Салом азизболажонлар! Мана мен ўлкангизга ташриф буюрдим.
Мен сизларга
куёшни, камалагу ранг барагулларни, мевалару, мазза қилиб чўмиладиган
сонияларни олиб келдим. Ёз мобайнида сизлар ўсасизлар, кучларингга куч
кўшилади, чунки қуёш нурлари сизлара ҳузур бахш этади. Сув ҳазаларидағи
сувлар сизларни жонлантиради. Соғлом кучли ва бақувват қилади. Илик ёз
шаббодаси эсса сизларни эркалайди. Қани болалар айтингларчи Ёз шиори
ним?

Болалар: Қуёш, сув, тоза ҳаво-танга беради даво.

Ёз: Жудаям тўгри болажонлар. Бугун мен сизларга боғимдаги гулларимдан
ола келдим.
Бу гул оддий эмас сехрли. Унинг ёрдами билан биз саёҳатга чиқамиз.
Фақатина сехрли сўзларни айтсак бас.

« ГУЛ » РАҚСИ ИЖРО ЭТИЛАДИ.

Ёз: Келинглар бўлмаса болажонлар, сехрли сўзни ҳаммамиз биргаликда
айтайлик.

Ҳамма: Гул, гул, гул!
Тилагимни
Бажоқил.
Ёз: Биз қувноқлар даврасига тушиб қолайлик.

ШЕЪР, ҚЎШИҚ ВА РАҚСЛАР ИЖРО ЭТИЛАДИ.

Ёз: Болажонлар келинглар энди топишишмоқлар мамлакатига саёҳат қиласиз.

Ҳамма: Гул, гул, гул!

Тилагимни

Бажоқил

Ёз: У тушганда дала қир

Кулади қиқир-қиқир

(ёмғир).

Құлсиз оёксиз эшик очар

(шамол).

Үйиб олдим юзи йук

(сув).

Күзга күрінмас қўлга илинмас

Усиз хеч жойда ҳаёт ҳам бўлмас (ҳаво).

(болалар топишишмоқ жавобларини ўйлааб айтиб берадилар)

Ёз: Қани болалар сеҳрли сўзимизни айтишда давом этамиш.

Ҳамма: Гул, гул, гул!

Тилагимни

Бажоқил.

Ёз: Биз рақсга тушайлик

РАҚС. -----

Билмасвой: Болалар! Биласизларми, мен ўзимни жудаям яхши ҳис қиляпман. Чунки мен сизлар билан югурдим, сакрадим, ўйнадим, мазза қилдим. Энди мен кетаман хайр, болажонлар.

Бола:

Ўлкамизга кириб келди олтин ёз,
Йўлларида чаманзорлар поёндоз.
Ёшлик куйи жаранг лайди шўх овоз,
Ўлкамизг а кириб келди олтин ёз.

Бола:

Салқин бог ча боғларида ўйнаймиз,
Дўстларимиз завқи билан қувнаймиз.
Тиник сувда чўмиламиз яйраймиз,
Салқин бог чабог ларида яшнаймиз.

Бошловчи: Болалар биз яхши ва тинч яшашимиз учун, осмонимиз мусаффи, еrimiz гўзал, гуллар ва ўсимликларг а, мева-ю сабзавотларга бой бўлиши. Ариқ ва дарёларимизда сувлар оқиб туриши учун доим она табиатимизни асрashingиз, унга тўғри муносабатда бўлишимиз лозим. Биздан кейин келадиган авлодларга ҳам гўзал табиатни қолдиришимиз керак. Яна бир бор барчаниг изни мустақиллик куни билан табриклайман. Ватанимизда барча яхши нарсалар болалар, яъни сизлар учун яратилаётганини эслатиб ўтаман. Барчаниг изни қувнок рақсга таклиф қиласиз!

Оммавий рақс.

(рақс вақтида болалар бошлари узра ранг -баранг шарлар ёг дирилади).

“Болаларга беринг дунёни” тадбир

сценарийси

Бог ча ҳовлиси байрамона безатилг ан. Озодбек Назарбековнинг “Баркамол авлод” мусиқаси остида барча г уруҳ болалари давраг а кириб ўз жойларини эг аллайдилар.

Бошловчи:

Турли туман болалар кўп жаҳонда
Йигилсалар минг -минг майдонга
Дунё юзи Яна тинчу кенг бўлса
Ҳар боланинг баҳти доим teng бўлса.
Ватанини, онажонин севсалар.
Улар меҳрин, ғамхўрлигин сезсалар.

Ассалому алайкум жажжи болажонлар! Мана бугун биз азиз болажонларимиз учун “Болаларга беринг дунёни” мавзусида тадбир ўтказмоқдамиз. Сизларни ушбу шодиёна билан муборакбод этамиз. Мана минг шукурки биз хур, озод, эркин диёрда яшаш завқини сурмоқдамиз. Доимо максадимиз ТИНЧЛИК бўлсин.

“ЎЗБЕКИСТОН МАДХИЯСИ” – янг райди.

Бола:

Тинчлик керак ер юзига
Тинчлик керак оламга.
Тинчлик сўзи қанот қоқсин.
Нур таратиб оламга!

Болалар “ТИНЧЛИК БЎЛСИН “ қўшиғини куйлайдилар..

Бола:

Тинчлик жуда соз тўкин-сочинёз.
Ўқ товуши чиқмас, янграп қўшик соз.

Бўлмасин уруш, ўт тушар ҳар ён.
Тинч, ширин турмуш бўлади вайрон.

Болалар “_____” рақсини ижро этиб берадилар.

Бола: Тинчлик истар бутун олам.
Тинч яшашни севар одам.
Барча эллар дўст қадрдон.
Дўстлик уйи Ўзбекситон.
Биз шодликни куйлаймизшод
Тинчлик билан уйлар обод
Доимо тинч бўлсин жахон
Тинчлик бўлса юрт фаровон.
Дўстлик, тинчлик шиоримиз
Тинчлик элу диёrimiz!

Болалар “_____” рақсини ижро этиб берадилар.

(Шўх мусиқа остида Боқивой ва Афанди кириб келадилар.)

Афанди: Ие, ие Бокивой биз қаерга келиб қолдик?

Боқивой: Билмадим, билмадим, хеч кўзларимга ишонмаяпман. Бу ерда сайл бўлаяптими?

(Болалар бири расм чизг ан, бири дорбоз ўйинини ўйнаг ан, бири шахмат-шашика ўйнаг ан ва ҳ.к)

Афанди: Қарая! Бир томонда кураги ерга тегмаган полвонлар, бир томонда курашчилар, бир томонда спортчилар, бир томонда рассомлар, бир томонда дорбозлар-ку- а!

Боқивой: Афанди! Бу ёққа келинг ... мана бу болалар иккиовимизни расмимизни жуда қойилмақом қилиб чизишптими? Барака топг урлар!

Афанди: Қани.. қани.. оббоо яшшавор шоввоз, келажакда катта Рассом бўлиб етишгин. Ие, ие дорбоз ўғлим сен нимаг а ўйнамай индамасдан турибсан.

Дорбоз: Олдин фотиҳа беринг , кейин ўйинни бошлайман!

Афанди: Ие шунақами? Кани бўлмаса.. Иллоҳо омин, юртимизтинч

бўлсин, олайлик, олдирмайлик, шундай фаровон ҳаётни яратиб берг ан юртбошимизнинг ҳам умрлари узоқ бўлсин. Ҳеч ҳам завол қўрмайлик, Оллоху Акбар!

Мусиқали “ДОРБОЗ” ўйини.

Бошловчи: Келинглар даврамизг азиз меҳмонлар, хуш келибсизлар!

Афанди: Ассалому алайкум қизим, бу ерда ўзи нима бўляпти?

Бошловчи: Бугун бобожон байрам шодиёнаси“Болаларга беринг дунёни” тадбири бўляпти

Боқивой: Вой! Мен ҳам уларг а дунёда қанақа яхшиликлар бўлса хаммасини бераман. Кани бирортаси бирор нарса десинчи нима қилар эканман.

Бошловчи: Боқивой ва Афанди болажонларимиз сизлар билан ўйин ўйнамоқчилар.

Афанди: Э... буг ун байрам албатта ўйнаймизда. Менчи келаётиб Бог имиздаг и мевадарахтларидан мевалар териб олг ан эдим. Ҳозир бўлмасам“Меваларни ким кўп териш”-ўйинини ўйнаймиз.

“ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР”.

Болалар “_____” рақсини ижро этиб берадилар.

Бола: Соғинч билан тонглари отар.
Эркаланиб тоғлари ётар.
Ҳар гиёхни нур кули билан
Сийпаб куёш ўзи ўйғотар.
Нурли бустон хур гулистоним
Тилда достон Ўзбекистоним!

Бола: Шу ўлканинг эркаси бизлар
Ҳам буг уни эртаси бизлар
Ворислари биз ўғил-қизлар
Нурли бустон хург улистаним
Тилда достон Ўзбекистоним!

Бола: Кўк юзин яшнатар минглаб юлдузлар
Ер юзин янгратар ўғил ва қизлар

Биз ернинг юлдузи юрт ўғил-қизи
Биз билан порлагай гул Ватан юзи

Энди навбат қизиқарли асқияларга.

Қиз: -Сардоржон!

Бола:-Лаббай!

Қиз:-Гулмисиз, сумбулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз?

Бола: Айтганингизман.

Қиз:-Мен сизга айтсан, ушбу тадбирда шеър айтаман деб чираниб
“лоладек” қизариб кетибсиз- ку.

Бола: -Насибахон!

Қиз:-Лаббай!

Бола:-Гулмисиз, сумбулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз?

Қиз: Айтганингизман.

Бола:-Мен сизг а айтсан, ушбу тадбирда кийган кўйлагингиз билан
“Атиргулман” деб ўйлаяпсиз шекилли.

Қиз: -Ойбекжон!

Бола:-Лаббай!

Қиз:-Гулмисиз, сумбулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз?

Бола: Айтганингизман.

Қиз:-Мен сизга айтсан, ушбу тадбирда ҳамманинг димогини чоқ қилман
деб “Настарин” гулидек ҳид таратяпман деб ўйлаяпсиз шекилли.

Бола: -Дилнозахон!

Қиз:-Лаббай!

Бола:-Гулмисиз, сумбулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз?

Қиз: Айтганингизман.

Бола:-Мен сизга айтсам, рақсга тушаман деб “мойчечак” (ромашка) гулидек оқариб кетибсиз-ку.

Бошловчи:Энди навбат хазил шеърларга марҳамат болажонлар.

Бола: Чўмилади мазза қилиб тиник анҳорда Мавлон.

Қирг оқда-чи ечинмасдан туради Жавлон ҳайрон.

-Чўмилмайман, Чукур-ку – деб Жавлон сирайм кўнмас.

-Ишонмасанг , қараг ин, сув-ўрдакларни ҳам кўммас!

Бола: -Бўри қўённи тутмай нега пайсалга солар?

-Қизиқсан, тутиб еса мультфильм тугаб қолар.

Бола: Юввош эди эшак жуда ҳам,

Миниб олди иккита одам

Бола: Шафтолининг шохлари камалакдай эгилг ан,

Бирдан синиб кетса-я эх, унга қийин экан.

Раҳмим келди жуда ҳам, бўлмайди қараб турсам:

Ейишвордим мевасин дараҳтг а бериб ёрдам.

(Мусиқа остида Ёзкирибкелади. Қўлида сариқ гул)

Ёз: Салом азиз болажонлар! Мана мен ўлкангизг а ташриф буюрдим. Мен сизларга қуёшни, камалагу ранг баранг гулларни, мевалару, мазза қилиб чўмиладиган сонияларни олиб келдим. Ёз мобайнида сизлар ўсасизлар, кучларингга куч қўшилади, чунки қуёш нурлари сизларга ҳузур баҳш этади. Сув хавзаларидаги сувлар сизларни жонлантиради. Соғлом кучли ва бақувват қиласи. Илиқ ёз шаббодаси эса сизларни эркалайди. Қани болалар айтингларчи Ёз шиори нима?

Болалар: Қуёш, сув, тоза ҳаво-танга беради даво.

Ёз: Жудаям тўғри болажонлар. Бугун мен сизларга боғимдаги гулларимдан ола келдим.

Бу гул оддий эмас сехрли. Унинг ёрдами билан биз саёҳатга чиқамиз. Фақатгина сехрли сўзларни айтсак бас.

РАҚСИ ИЖРО ЭТИЛАДИ.

Ёз: Келинг лар бўлмаса болажонлар, сехрли сўзни ҳаммамиз биргаликда айтайлик.

Ҳамма: Гул, гул, гул!

Тилагимни

Бажо қил.

Ёз: Биз қувноқлар даврасига тушиб қолайлик.

ШЕЪР, ҚЎШИҚ ВА РАҚСЛАР ИЖРО ЭТИЛАДИ.

Ёз: Болажонлар келинг лар энди топишмоқлар мамлакатиг а саёҳат қиласиз.

Ҳамма: Гул, гул, гул!
Тилаг имни
Бажоқил

Ёз: У тушганда дала қир
Кулади қиқир-қиқир (ёмғир).

Кўлсиз оёксиз эшик очар (шамол).

Ўйиб олдим юзи йуқ (сув).

Кўзга кўринмас қўлга илинмас

Усиз хеч жойда ҳаёт ҳам бўлмас (ҳаво).

(болалар топишмоқ жавобларини ўйлаётган берадилар)

Ёз: Қани болалар сеҳрли сўзимиз ни айтишда давом этамиз.

Ҳамма: Гул, гул, гул!
Тилагимни
Бажоқил.

Ёз: Биз рақсга тушайлик
РАҚС. -----

Бошловчи: Азиз болажонлар, бизга шундай шароитларни яратиб берадиган президентимиз Ш.М.Мирзиёвга ушбу кундан фойдаланиб, катта раҳматлар айтамиз. Чунки, сизнинг шодон, дуркун ва мустақил Ўзбекистонимизнинг етук фарзанди бўлиб етишишларингда ўз куч ва ғайратларини аямай иш юритмоқдалар. Уларнинг Мактабгача таълим муассасаларини яхшилаш, ўсиб келаётган авлодни қўллаб қувватлаш бўйича бир қанча фармонлари тадбиқ этилди. Шунингдек Президентимиз 2017- 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегияси ҳақидаг и фармонни имзолади.

Бола: Ўзбекистон президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистонимизни ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлади. Унда:

Бола: Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш

Бола: Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш

Бола: Иқтисодиётниянадаривожлантиришвалибераллаштириш

Бола: Иижтимоий соҳани ривожлантириш

Бола: Ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёsat юритишга йўналтирилг ан.

Бола: Харакатлар стратегияси ўзининг рамзий маъносига эга.

Бола: Мовий ранг -Осмон ва тоза сув ҳамда буюклик рамзи.

Бола: Сиёҳ ранг -Устиворлик ва ор номуслик рамзи.

Бола: Сариқ ранг - куч-қудрат бойлик рамзи.

Бола: Қизил ранг - ҳаёт, муҳаббат ва дўстлик рамзи.

Бола: Оқ ранг - оқ кўнгиллилик, тинчлик ва беғуборлик рамзи.

Бошловчи: Рахмат болажонлар! Сизларг а келгусида ушбу йўналишлардан қадам босишларингда омадлар тилаб қоламиш.

Бошловчи: Уйғонар чўққилар устида офтоб,
Ям-яшил водийг а сочиб олтин нур.

Ўзбеклар юрти бу навқирон, озод,
Заминда мусаффо ўлкасан мағур.
Оқар дарёларинг ҳайкириб оқсин,
Соғлом авлодларинг баркамол ўссин.
Тинчлик омонлик шиоринг бўлсин
Юрting бой ҳамиша соғ омон бўлсин.

Бола: Ўлкамизга кириб келди олтин ёз,
Йўлларида чаманзорлар поёндоз.
Ёшлик куйи жаранг лайди шўх овоз,
Ўлкамизга кириб келди олтин ёз.

Бола: Салқин боғча бօг ларида ўйнаймиз,
Дўстларимиз завқи билан қувнаймиз.
Тиниқ сувда чўмиламиз яйраймиз,
Салқин боғча бօг ларида яшнаймиз.

Бошловчи: Болалар биз яхши ва тинч яшашимиз учун, осмонимиз мусаффо, еримиз гўзал, гуллар ва ўсимликларг а, мева-ю сабзавотларга бой бўлиши. Ариқ ва дарёларимизда сувлар оқиб туриши учун доим она табиатимизни асрashимиз, унга тўғри муносабатда бўлишимиз лозим. Биздан кейин келадиг ан авлодларга ҳам гўзал табиатни қолдиришимиз керак. Яна бир бор барчанигизни мустақиллик куни билан табриклийман. Ватанимизда барча яхши нарсалар болалар, яъни сизлар учун яратилаётганини эслатиб ўтаман. Барчанигизни қувноқ рақсга таклиф қиласман!

Оммавий рақс.

(рақс вактида болалар бошлари узра ранг -баранг шарлар ёг дирилади).

Хулоса ва тавсиялар

Республикамида таълим тарбия мазмуни жамиятимизнинг устувор мақсадларини ифодалаган холда ҳар томонлама етук баркомол шахсни шакллантиришни назарда тутади. Демократик, инсонпарвар жамият барпо этиш албатта жамият аъзоларини, хусусан, ёш авлод тарбиясининг мазмуни самарали ташкил этиши ва натижасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бошланган 2019- йил «ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ » деб эълон қилиниши ҳам жамиятимизнинг устувор мақсадларини рўёбга чиқаришнинг амалий моҳиятини ўзида ифодалайди. Обод турмуш қалб ободлигидан бошланади. Зеро қалб обод бўлиши инсондан эзгуликка бойинган гўзалликни ҳис этишни тақазо этади. Бу эса ўз ўрнида эстетикадир. Эстетик тарбия, хусусан, эстетик ҳис-туйғу тарбияси кишилар, жамият хаётида муҳим ўрин тутади. гўзалликни кўриш билиш, уни тушиниш ва яратади олиш кишининг маънавий етуклиги ифодасидир. Ушбу қўлланма яратилиши мазмуни ва моҳияти ёш авлод тарбиясида, хусусан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик ҳис-туйғуларини шакллантириш тизмини ёритишга қаратилади. Олиб борилган кузатиш ва тажрибалар асосида тарбиячи, бўлғуси шу соҳа эгалари –талабаларга таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик ҳис-туйғуларини шакллантириш борасида қўйидаги тавсияларни бериш ўринлидир:

1. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида эстетик ҳис-туйғуларини шакллантириш мақсад ва масалаларини жамиятимиз мақсадларидан келиб чиқиб белгилаш ва амлга ошириш кераклиги;
2. Ҳар бир машғулоти ва бошқа ишлар болаларда эстетик ҳис-туйғуларини шакллантириш билан бир қаторда маънавий ҳис- туйғуларини шакллантириш уйғунлигини эсда тутиш, уларнинг эстетик қобилятларини ўсишига хизмат қилишини ҳисобга олиш.
3. Эстетик ҳис-туйғу тарбиясида турли усул ва воситалардан ўринли фойдаланиш. Айниқса эстетик мавзудаги сухбатлар мазмунини бугунги давр, жамиятимиздаги амалга оширилаётган оламшумул ишлар кишилар ўртасидаги муносабатлар гўзалигига қаратиш муҳимлигидир;

4. Тарбияланувчиларда гўзаллкни ҳис қилишга қизиқиш ва интилишларини ҳамда эҳтиёжини тарбиялашни янада самарали усулларини қўллаш.
5. Тарбияланувчиларда эстетик ҳис-туйғуларни шакллантиришни муҳим воситаси сифатида санъат турлари рассомчилик, мусиқа, рақс кабиларга уларни жалб қилиш орқали уларда санъатга меҳр уйғотиши.
6. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларии билан табиат бағрида сайр ва тарихий обидалар, музейларга экслкурсиялар уюштириш;
7. Вақти-вақти билан ўқувчилар ижодий ишлари кўрг азмалари кўриклар ўтказиб бориши;
9. Тарбиячиларнинг тарбияланувчилар тарбиясига ягона педагогик жараённи таркибий қисми сифатида ёндашув кўнишка ва малакаларга эгалиги;
10. Хоналарини жиҳозлаш ва безаш ишларига жалб қилиш ишларини тарбияланувчиларга эстетик таъсирни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш.

ЛУГАТ

Эстетик ҳис-туйғу - шахснинг воқеликка, табиат ва жамиятдаги ҳаётидаги иштироки, фаолияти жараёнида унинг билими, эҳтиёжи кабилардан келиб чиқувчи муносабати деб қараш тўғри бўлади. Ташқи дунёга эстетик муносабат аввало воқеликни ҳис – қилишдан, англашдан ва унга нисбатан муносабатдан иборатdir.

Эстетик ҳиссиёт – бу эстетик туйғу ёки эстетик ҳис – туйғулар бўлиб, унинг пайдо бўлиши кишидаги эстетик қизиқиши боғлиқ тушунча.

Эстетик англаш – ички нафосатни юзага чиқариш

Эстетик эҳтиёж – нафосатга ташналиқ, Эстетик хиссиёт – туйғулар ибтидоси, Эстетик қизиқиши – интилиш обект хақида тушунчаларга эга бўлишни идрок этишга ҳозирланиш.

Эстетик тасавур – обекттага ҳиссий кириб борувчи йўлак ижтимоий тассавури Қувонч ҳисси – туйғу

Ҳайрат ҳисси – ёқимли, ачиниш

Эстетик қизиқиши – завқ – идрок – лаззат

Эстетик мушохада – фикрий фаолият бошқалар кўрмаган эшитмаган ҳис қилмаган нарсаларни кўради, эшитади, ҳис қиласди.

Эстетик қадрият – бир неча эстетик хусусиятни ўзида мужжассамлаштирган қадриятdir.

Эстетик баҳо – субектнинг обектга муносабати обектнинг қадрятини белгиловчи мезон бу шахсга жамиятга замонга боғланган.

Эстетик дид – нафосатни идрок этиш қобиляти фахм, ақл, фаросат, ахлоқ, дид, Эстетик қобилят тушунчалари билан боғлиқ икки томоннининг эҳтирос ҳис ва ҳаяжони.

Эстетик идеаллик – эстетик баҳо – эстетик дид уйғунлиги шахс ёки ижтимоий ходисаларининг юксак намунаси комиллик мақсад тарзда қабул қилиниши.

Эстетик идеал ўзига хос гўзалик, улуғворлик мўжизавийликни санъатдан топиши.

Мактабгача таълим — Мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамда болада маънавий меъёрларни шаклланиши, ҳаётий ва ижтимоий тажриба эгалланишини кўзда тутган ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит жараён;

ривожланиш — инсон танаси тузилиши, руҳияти ва хулқида биолог ик жараёнлар ҳамда атроф муҳит таъсирида рўй берадиган ўзгаришлар;

ривожланиш соҳаси — бола ривожланишидаги аниқ бир йўналишлар;

кичик соҳа — соҳанинг кичик гуруҳлари. Асосий соҳаларнинг кичик соҳаси ривожланишнинг маълум бир томонларини ўз ичига қамраб олади ва уларнинг аниқ бир ёъналишини кўрсатиб беради;

кутилаётган натижа — болаларда кутилаётган билим, кўникма ва малакалар кўрсаткичи;

бала компетенцияси — маълум бир ёш давриг а хос бўлг ан вазифаларни мақсадли бажариш учун етарли бўлган боланинг билими, кўникмаси ва малакалари ҳамда қадриятлари;

интегратсия — бола таълими ва ривожланишидаги мазмун таркибий қисмлари ўртасидаг и боғлиқлик;

инклузив таълим — болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда таълим ва тарбия олинишини тенг таъминловчи жараён;

“Мен” концепцияси — болани ўзи ҳақидаг и анг ланг ан тасаввурлари тизими, унинг рефлексив фаолиятини бир қисми;

рефлексив фаолият — болада ўз тушунчалари ва хатти-харакатларини англаш ва мустақил таҳлил қилиши асосида хulosалар шаклланиши жараёни.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
- 2, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиг и «Илк қадам» Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури Т 2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг буйруғи “Ўзбекистон Республикасининг илк ва Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида” Т 2018
4. Расулова М., Абдурахмонова Х. ва бошқалар. “Мактабгача ёшдаги болалар таълим- тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари”. Т., Ўз ПФИТИ, 2000.
- 5.Мактабгача таълим давлат стандарти. Ўз ПФИТИ, Т.,1995-96.
- 6.П. Юсупова. «Мактабгача тарбия педагогикаси» «Ўқитувчи» Т., 1993 й.
- 7..О. У. Хасанбоева. “Оила педагогикаси”. Т., 2007 й.
- 8.Мактабгача таълим» журнали, 2006 йил, 3-сони.
- 9.Амирова. Г .А., Сулаймонов А.П., Джураева Б.Р. “Мактабгача таълим муассасаларда апликация машғулотлари”. Т., 2014.
- 10.Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017
- 11.К. Хошимов ва бошқалар “ Педагогика тарихи” “Ўқитувчи нашриёти ” Т-2006 йил.
12. А. Зияев “ Болаларда эстетик ҳисни шакллантириш” “Узлуксиз таълим” Т- 2011 йил 1-сони.
13. . X.Сапохонов “Этика ва эстетика асослари” “Фан ва технология” Т. 2009 йил.

**КБК:80.14(Ўзб)
М-10
УЎК:324.(18+24)**

ISBN 978-9943-563-50-6

**Мамажонова X , Мелибоева Ш.
Мактабгача ёшдаги болалар эстетик хис- туйгу тарбияси/ ўқув-услубий
қулланма/-Тошкент:” NAVROZ”,2019.-56 б.**

Нашиёт лицензияси № AI 170 .23.12.2009й
Босишига рухсат этилдиЖ 15.06.2019.Буюртма№89.
Бичими 60 x 84 1/16 .Times New Roman гарнитураси.

Босма табоги ; 3,5.Адади: 100 нусха.
1000000, Тошкент, Амир Темур кўчаси,19
МЧЖ “PRINT2 25” МЧЖ босмахонада чоп этилди
Тошкент, Юнусобод 13, 49А

